



# НУҚУ

2020-Ҳ. 9-АПРЕЛЬ, №14 (1211)

BOSH PROKURATURA MUHOJAJATI

## ҒАФЛАТ – УМР ЗАВОЛИ!



Коронавирус инфекциясининг шиддат билан тарқалаётгани бутун инсониятни жиддий хавотирга солмоқда.

Ҳар бир давлат ўз имконияти доирасида бу офатнинг таъсирини юмшатиш ҳамда кенг тарқалишининг олдини олишга ҳаракат қилаётти, турли мамлакатларда турлича фавқулодда чоралар кўрилмақда.

Бироқ ваҳимага тушмасдан, оқилона, аниқ мақсадга қаратилган қатъий чораларни кўриш, метиндек мустаҳкам тартиб-интизомга риоя қилишгина инфекцияни жиловланишнинг бирламчи омил бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари ҳамда бевосита кўрсатмалари асосида ана шундай қатъий, қисқа муддатда самара бериши аниқ бўлган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларнинг тўлиқ рўйбга чиқарилиши учун барча давлат органлари бирдари масъул эканини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Бош прокуратура 2020 йилнинг 4 апрелида коронавирус кенг тарқалишининг олдини олиш, тегишли хизматларга мазкур касалликка чалинган беморлар билан алоқада бўлган шахсларни тезда аниқлаш ва уларнинг бошқа фуқаролар билан мулоқотини чеклаш бўйича кўмаклашиш чораларини белгилади.

Жумладан, Бош прокуратурада коронавирус инфекциясига чалинган беморлар билан мулоқот-

да бўлган шахслар доирасини аниқлаш бўйича идоралараро штаб, ҳудудларда эса идоралараро гуруҳлар тузилди.

Мазкур гуруҳлар коронавирус инфекциясига чалинган беморлар билан суриштирув ишларини ўтказиш, уларнинг эпидемиологик маршрути, ким билан қачон, қаерда мулоқотга киришганини аниқлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Бош прокуратура фуқароларимиздан бутун(6 апрель)дан бошлаб ўзларининг қундаликларини юритишларини сўрайди.

Ҳар бир фуқаро қачон, ким билан, қаерда ва қай тарада мулоқот қилганини ёзиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Бу маълумотлар аввало касалликнинг олдини олиш, унинг тарқалишига чек қўйиш, пировардида минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Зотан, аксарият давлатлар тажрибаси шифокорлар касалликка чалинганлар билан мулоқотда бўлганларни аниқлаш ҳамда карантинга жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келаётгани, даволашга сарфланадиган вақт ва имконият йўқотилаётганини кўрсатди.

Бугун ҳеч бир фуқаронинг бепарво бўлишга, ғафлатда қолишга ҳаққи йўқ.

Ҳар бир фуқаро берилган тавсия ва кўрсатмаларга амал қилмаса, аввало ўзининг, оиласининг, яқинларининг ва бошқа инсонларнинг ҳаётига хавф туғдириши, ҳатто умрига зомин бўлиши мумкинлигини унутмаслиги керак.

Коронавирус инфекциясига чалинган беморлар билан мулоқотда бўлган шахслар доирасини аниқлаш бўйича Бош прокуратурадаги штаб, ҳудудлардаги гуруҳлар инфекцияни бартараф этиш, унинг муҳим оқибатларининг олдини олиш борасида барчани ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чақиради.



**Жорий йил 8 апрель куни соат 17:15 ҳолатига кўра, мамлакатимизда коронавирус касаллиги билан рўйхатга олинган беморлар сони 545 нафарни ташкил этган.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи, Республика бош давлат санитария инспектори Нурмат Отабековнинг маълум қилишича, Вирусология илмий-текшириш институтидан олинган маълумотга кўра, ушбу институт клиникасида даволанаётган 98 беморнинг 25 нафаридан пневмония белгилари кузатиляпти, 7 нафарининг ахволи оғир. Эпидемиология-микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш

институтида даволанаётган 69 бемордан 3 нафарининг ахволи оғир, деб баҳоланяпти.

Мамлакатимизда карантин тадбирлари давом этапти. Шу пайтга қадар 180 мингга яқин одам карантин муддатини ўтаб, касаллик тасдиқланмаганлиги учун уйига жавоб берилди. Ҳозирги пайтга келиб 86 мингдан кўпроқ фуқаромиз уй ва стационар шароитида карантин тадбирларини ўтаётти. Стационар шароитда карантин тадбирларини ўтаётганлар сони 23 мингдан кўпроқни ташкил этади.

**УЙДА ҚОЛИНГ, ЎЗИНГИЗ ВА ОИЛА АЪЗОЛАРИНГИЗ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАНГ!**


## УЙДА ҚОЛИНГ!

### БУ ҚИЙИН КУНЛАР АЛБАТТА ЎТАДИ!

Ҳозир бутун дунёда катта таҳдидга айланган коронавирус пандемияси, афсуски, бизнинг мамлакатни ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда барчамизнинг мақсадимиз бир – одамларимизни коронавирусдан асраш, уни эсон-омон енгиб ўтишдир.

Хукумагимиз коронавирус тарқалишининг олдини олиш борасида ишончли ҳамда тизимли чора-тадбирларни йўлга қўймоқда. Карантин чораси одамларимизнинг касалликни юктириб олиш эҳтимолини имкон қадар камайтириш, инфекциянинг тарқалишини жиловланган қалларатилган. Агар карантин қондаларига риоя этмасак, барча ҳаракатлар беҳуда кетиши таийн.

тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Қарор ижросини таъминлаш, шунингдек, «Covid-19» инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш ва санитария-эпидемиологик мақсадида прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш вақтинча тўхтатилган бўлса-да, уларнинг муурожаатлари туну кун узлуксиз ишлайдиган Мууро-



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида карантин қондаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзолаганини алоҳида таъкидлади.

23 март куни Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар

жаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази («Call center»)нинг қисқа рақамли 1007 ишонч телефони орқали қабул қилинаёпти. Жумладан, 2020 йил 1 апрелгача Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Муурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази орқали 42898 та муурожаат қабул қилиниб, Ҳозирги кунда 38559 таси кўриб чиқилиб, улардан 7023 таси қаноатлантирилган, 30764 таси бўйича тушунтириш берилган.

Давоми 2-бетда

# БУ ҚИЙИН КУНЛАР АЛБАТТА ЎТАДИ!

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда тadbиркорларимиз олдида ҳам ўта муҳим вазифалар турибди. Корхоналарнинг барқарор ишлаши учун уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш прокуратура органларига улкан масъулият юклайди. Бу борада Президентимиз коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ўта муҳим масалалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бош прокуратурага шу кунгача келиб тушган мурожаатлардан 1639 таси тadbиркорлик билан боғлиқ, кўриб чиқиш натижасига кўра 148 та мурожаат қаноатлантирилган, 1729 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилган.

## Қарийб 43 мингта муурожаат қабул қилинган.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан [pt.gov.uz](http://pt.gov.uz) интернет сайти орқали ҳам мурожаатлар онлайн режимида қабул қилинмоқда.

Асосийси, фуқароларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий ва транспорт прокуратуралари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюросида ҳам мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш ташкиллаштирилган. Уларнинг телефон рақам-

лари Бош прокуратуранинг веб-сайтида берилган.

Ҳозирги кунда прокуратура органларининг 1007 рақамли ишонч телефонларига асосан МФЙ ходимлари томонидан нафақа ва ёрдам пули берилмаётгани, дўкон ва савдо марказларида озиқ-овқатларнинг нархи асоссиз оширилаётгани, иш ҳақини ундириш, банк кредити тўлови муддатини узайтириш, коммунал хизматлар ва бошқа масалалар юзасидан мурожаат қилинмоқда, улар ўрганилиб, зудлик билан қонуний чоралар кўриляпти.

Шу билан бирга, коронавирус ҳақида ёлгон хабар тарқатаётган, аҳоли орасида ваҳима келтириб чиқараётган ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон қонуночилигига кўра жиддий чоралар кўриломоқда.

Ҳозирги вазиятда жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларга ва шифокорларнинг тавсияларига оғинмай амал қилиб, ўзимиз, оиламиз, халқимиз саломатлигини асрашга ҳисса кўшмоғимиз шарт. Карантин эркинликни чеклаш эмас, ўзимизни ва халқни асраш чораси эканлигини унутмайлик.

Бундай синовли кунларда шифокорлар, прокуратура, ички ишлар, давлат хавфсизлиги, миллий гвардия, фавқулодда вазиятлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари туну кун халқимизга беминнат хизмат қилинмоқда.

Зеро, биз сиз учун ишдамиз, сиз ўзингиз учун уйда қолинг ва саломат бўлинг!

Биз бугунги синовли кунларни ахиллик, хотиржамлик, сабр-қаноат билан енгиб ўтамиз!

Бош прокуратуранинг Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси



## ПАНДЕМИЯНИ ЖИПСЛИҚДА ЕНГАМИЗ

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш, санитария-эпидимологик осойишталикни таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон аҳли бир тану бир жон бўлиб ушбу касалликка қарши курашапти. Бу борада ҳар бир соҳа вакиллари ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажараётир.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳам ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳамда ҳарбий шахарчаларда қатор тadbирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Республика ҳарбий прокуратураси маҳкамаси ва Тошкент ҳарбий прокуратураси ходимлари Яшнобод туманидаги ҳарбий шахарчада бўлиб, мутахассислар иштирокида кенг камровли дезинфекция ишларини амалга оширишти.

Яхши кунда ҳам, оғир кунда ҳам бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш, меҳр-окибат кўрсатиш каби одатларимиз бор. Бу каби савобли ишлар бугунги синовли кунларда барчамизни бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишга руҳлантирмоқда.

Шунингдек, ҳарбий прокуратура органлари барча ҳарбий қисм ва муассасаларда санитария-эпидимология хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб бормоқда. Тарғибот ишлари доимий равишда ўтказилапти.

Ҳарбий қисмларда санитария-қарантин тadbирлари кучайтирилган. Санитария-эпидимологик осойишталик талаб даражасида бўлиб, кириб-чиқувчиларнинг ҳарорати ўлчанмоқда, уларнинг антисептик воситалар, тиббий никоб ва қўлқошлар билан таъминланиши назоратга олинган. Бу каби воситалари бўлмаган шахсларнинг ҳудудга кириши тақиқланган.

Оттабек ХОЛБОЕВ,  
Тошкент ҳарбий прокурори



Зарбдор тумани прокуратураси мутахассисларни жалб этган ҳолда туманда ҳомиладор аёлларни диспансер кузатувиға олиш, уларни белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда соғломлаштириш борасида қилинган ишларни ўрганди. Мониторингда бир қатор қонунбузилишлар аниқланди.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирининг тегшили буйруғида ҳомиладорларни эрта, яъни ҳомиладорликнинг 12-ҳафтасигача диспансер кузатувиға олиш ва уйда патронаж назоратини мунтазам таъминлаш белгиланган бўлса-да, туманда жами 63 нафар ҳомиладор аёл кўрсатилган муддатдан кеч диспансер кузатувиға олин-

ган. Бу ҳудудларда патронаж ҳамширалари ва бошқа масъул ходимлар уйма-уй юрмагани ва вазифасини лозим даражада бажармаганидан далолат беради. Мисол учун, Тараққиёт кишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Г.Э. ҳисобга олинган ҳомиладор аёл Д.Е.нинг хонадонига умуман бормагани маълум бўлди.

NAZORAT

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларнинг 99 нафари биринчи, 55 нафари иккинчи ва 19 нафари учинчи скрининг текширувидан ўтказилмаган.

Ўрганишларда умумий амалиёт шифокори, онлавий шифокор каби мутахассислар ўрнига айрим ҳудудларда бу каби шифокорлар мавжуд эмаслиги, борлари ҳам вазифасини тўлиқ бажармай, масъулиятсизликка йўл қўйиб келаётгани аниқланди. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Тугруқдан кейинги даврда аёллар ва чақалоқларнинг патронажи ва диспансер кузатуви ҳам самарали ташкил этилмаган.

Биргина ҳомиладор аёлларни парвартириш, аниқланган касаллик бўйича хавфли гуруҳга ажратган ҳолда антенатал назорат қилиш ва соғломлаштириш борасидаги тadbирлар лозим даражада бажарилмагана

ни оқибатида туман тиббиёт бирлашмасида кир ювувчи вазифасида ишлаган Н.Жўраева охириги 3 йил давомида 3 марта ҳомиладор бўлган. Шундан 1-туғруқ нормал кечган бўлса, 2 ва 3-ҳомиладорлик нормал кечмаган ва оқибатда 3-туғруқ, яъни кесарча кесиш операциясидан сўнг 2019 йилнинг

ул ходимлари ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, ҳозир тергов ўтказилмоқда.

Текширишда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига тақдимнома киритилиб, 127 нафар аёлнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

## Аёллар ва чақалоқларнинг патронажи ҳамда диспансер кузатуви самарали ташкил этилмаган.

21 декабрь куни вилоят перинатал марказида ўткир юрак-қон томир, нафас ва буйрак етишмовчилиги, презкламсия оғир даражаси, 26 ҳафталик туғруқ, нотўғри жойлашган йўлдошнинг вақтидан олдин кўчиши ташхиси билан вафот этган. Мазкур ҳолат юзасидан Зарбдор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Тараққиёт кишлоқ врачлик пункти масъ-

Тақдимнома кўриб чиқилиб, бирлашма бошлиғининг 2020 йил 4 февралдаги буйруғи билан 63 нафар патронаж ҳамшира ҳамда 5 нафар шифокорга нисбатан ҳайфсан интизомий жазоси қўлланди.

А.БАХТИЁРОВ,  
Зарбдор тумани прокуратураси терговчиси лавозимида иш ўрганувчи

# ЯРИМ ТУНДА ЙЎЛ БЎЛСИН?!

Мана бир неча ойдирки, бутун дунё оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда ҳам коронавирус инфекциясига чалинганларнинг сони ошиб бораёпти. Шу сабабли касаллик тарқалишининг олдини олиш ҳамда унга қарши кураш чоралари кўриломоқда.

**Ж**умладан, «ўзини яқкалаш» ҳаёт тарзи мажбурий равишда жорий этилди. Яъни шахсинг ўзи яшайдиган хулуддаги дўконлардан озик-овқат, дори-дармон харид қилиш учун, шунингдек, шифокорга мурожаат этишдан бошқа мақсадда уйдан чиқиши қатъиян чекланди.

Таъкидлаш лозим, бу каби чекловлардан кўзланган асосий мақсад фуқароларимизнинг саломатлигини асрашдир. Аммо, афсуски, ана шу гапхўрликка парво қилмай, карантин қоидаларига риоя этмаётганлар ҳам кўплаб учраяпти. Бундайлар ўзини ҳар қанча ақлли ҳисобласа-да, қилмиши билан фаросатсизлигини кўрсатиб қўймоқда. Ҳа, фаросати бор одам бундай қилмайди. Худо кўрсатмасину бундайлар қонун-қоидаларни бузиш орқали инфекция юктириб олса, биринчи гада оиласини хавфга қўяди. Бу борада айниқса хоризжаллигида вирус тарқалиши билан «олиб кетинглар» дея дод-вой қилган, чартер рейслар билан Ўзбекистонга олиб келиниб, карантинга олингач қонун-қоидаларни бузиб уйга кетиб қолганларни қандай тушуниш мумкин? Бу гумрохликдан бошқа нарса эмас!

Яна бир ҳолат: Ўтган hafta Ички ишлар вазири автомашиналарга чеклов

ўрнатилганига қарамай ҳануз пойтахт кўчаларида машиналар қатнови қамаймаганини таъкидлаган эди. Орадан бир ҳафтача вақт ўтди, юзлаб машиналар махсус рухсатномасиз ҳаракатлангани учун жарима майдонларига жойлаштирилди. Тўғри, машиналар оқими қамайди. Камина Халқлар дўстлиги майдони рўпарасидаги кўп қаватли уйда истиқомат қиламан. Уйнинг балконида майдон ёнидаги чорраҳалар яққол кўриниб туради. Уйқудан кечиб, атай кузатдим, кундуз кун майлику-я, ярим кечаси ҳам автомашиналар қатнови деярли тўхтамаёпти (ёлгон бўлмасин, фақатгина охириги икки-уч кунда сезиларли қамайди). Стикерлар ҳам кимларга берилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан, физ-ғиз ўтиб турган автомашиналар ярим кечаси қаерларга бориб, қаерлардан келар экан? Шу пайтда кимнинг қорни очқаб, қайси дорихонага дори-дармон керак бўлди экан?! Мавзудан узоклашмай, 5 апрель кун ижтимоий тармоқларда тарқалган бир видеоклавга тўхталисам. Маълум бўлишича, Нукус шаҳрида хизмат олиб борган ИПХ қатта инспектори иш вақти тугаб, уйга қайтаётганида карантин вақтида кўчада юрган фуқарога уйга киришни тайинлайди. Фуқаро таниши бўлиб чиққач, машинадан бош қийим

ҳамда никобсиз тушади.

Кимлардир бу ҳолатни телефон орқали тасвирга олиб, «Кечаси соат учда ИПХ ходимлари маст ҳолатда юрибди, тиббий никоб ва бош қийими йўқ» деб ижтимоий тармоқларга тарқатади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХББ ахборот хизматининг маълум қилишича, текширув ўтказилиб, ИПХ инспектори шу кун хизматда бўлгани ҳамда спиртли ичимлик истеъмол қилмагани аниқланган, шунингдек, мазкур ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилаётгани қайд этилган.

Аввало ИПХ инспекторининг ҳуқуқ-бузарлик қилганини вақтида пайқаб, тасвирга олган ва бу ҳақда бонг урган ватандошларимизнинг зийраклиги таҳсинга лойиқ. Аммо ИПХ инспекторини тўхташга мажбур қилган ўша таниши карантин вақтида кўчада нима қилиб юргани-ю бу ҳолатни телефонига муҳрлаганлар нима учун ярим тунда уйда эмасликларини қандай изохлашар экан, улардан шу ҳақда сўралдим?! Ҳозир шулар ҳақида ёзар эканман, беихтиёр марҳум отамнинг «Болам, иложи бўлса шомдан кейин кўчага чикма! Бу пайтда жинлар изғишни бошлайдилар. Шомдан кейин қилинган ишда барака ҳам бўлмайди» деган гаплари ёдимга тушди.

Шундай бўлгач, коронавируснинг жиндан нима фарқи бор? Унис ҳам, буниси ҳам кўзга кўринмайди, аммо ёмонлигини қилаверади.

Айтмоқчи, юқорида қайд этилган фаросатсизлар қаторида яна бир тоифа пайдо бўлди. Бундайлар аҳоли ўртасида ваҳима чикаришга қаратилган маълумотларни тарқатиш ишқибози бўлган гадамислардир. Масалан, «Тарона рекорд» асосчиси Равшан Йўлдошевнинг коронавирусдан вафот этгани ёки «Корзинка» дўконига картошканинг 18 миң сўмдан сотилаётгани ҳақида ҳақиқатдан йироқ хабар тарқатганлар бундай қилмиш учун 66 млн. 900 миң сўмдан 89 млн. 200 миң сўмгача жарима ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишидан ташқари, ёлғончилик ислом динида ҳам кескин қораланишини унутиб қўйишмоқда.

Нима бўлганда ҳам, аввало, ўзимизга боғлиқ. Худо хоҳласа бу кунлар тезда ўтиб кетади. Унгача уйда бўлган вақтингиздан унумли фойдаланинг, фарзандларингизнинг таълим-тарбияси билан шуғулланг. Энг асосийси эса ўзингизни ва яқинларингизни эҳтиёт қилинг. Зарурат бўлмаса, кўчага чикмай, уйда, оилангиз даврасида бўлинг.

**Ғофуржон АЛИМОВ,**  
«Нуқид»

## ЯРМАРКАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Карантин вақтида иммунитетни кўтариш йўлларида бири тўғри овқатланиш тартибига амал қилишдир. Биринчи навбатда витамин ва оқсилга бой сабзавот ва мевалар, гўшт, тухум, балиқ тановул қилиш организмнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини оширади.

Бундай шароитда санитария-эпидемиология қоидаларига амал қилган ҳолда кўчма ярмаркаларнинг ташкил этилиши овозгарчиликларнинг олдини олмақда. Хусусан, Қарши ҳарбий прокуратураси Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ кўшинлари кўмондонлиги ва «Нишон кўзгуси» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда Қарши шаҳридаги ҳарбий шаҳарчада сифатли ҳамда арзон нархдаги озик-овқат маҳсулотлари кўчма ярмаркасини уюштирди.

Бундай ярмаркаларда ҳарбий хизматчилар

ва уларнинг оила аъзоларининг 2 метрдан кам бўлмаган ижтимоий масофани сақлаган ҳолда тиббий никобда иштирок этиши, шу билан бирга мутахассислар томонидан уларнинг ҳарорати махсус ускуналар орқали ўлчаниши, ярмарка ташкил этилган ҳудуднинг тез-тез дезинфекция қилиниши таъминланмоқда.

**Озод БАХРОНОВ,**  
Қарши ҳарбий прокуратурининг ёрдамчиси

Бутун бутун дунё аҳолиси, шу жумладан мамлакатимиз ҳам «Covid-19» инфекциясига қарши курашмоқда. Хусусан, Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларидан, бозорлардан олиш ҳулудда яшовчи фуқаролар озик-овқат харид қилишда қийинчиликка дуч келмаслиги учун қатор ишлар қилинмоқда.

Чирчик ҳарбий прокуратураси, Чирчик ва Бўстонлик тумани ҳокимликлари ҳамда «Пойтахт таом сервис» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида Бўстонлик туманидаги ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва ушбу ҳудудларда яшовчи фуқаролар учун озик-овқат маҳсулотлари кўчма ярмаркалари ташкил этилди. Нархларнинг арзонлигидан аҳоли мамнун.

**Абдулатиф ИСАРОВ,**  
Чирчик ҳарбий прокуратурининг қатта ёрдамчиси

**Жорий йил 6 апрель кун «Тамаки маҳсулотлари бозорини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.**

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

## «ҲИМОЯ» ОРТИДАГИ ФОЖИА

Ҳар бир ота-она боласининг баркамол ўсиши ва келажаги порлоқ бўлиши учун интилиб яшайди. Конституциямизда ҳам ота-оналарнинг бурчи қайд этилган, улар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Аммо фалокат оёқ остида дейдилар, унинг қачон, қаерда рўй беришини ҳеч ким билмайди.

2019 йил 12 март кун Чирчик шаҳридаги мактабларнинг биринчи одатдагидек дарслар бўлаётгани. Ўша кун соат 11:25 да дарс тугашига қўнғирок чалиниб, болалар танаффусга чиққан эди. Танаффус пайтида 7-синф ўқувчиси А.А. 10-синф ўқувчиси С.О. билан гаплашиб қолади. У А.А.нинг кўзи кўқарганини кўриб, уни ким бу ахволга солганини сўрайди. А.А.га ҳам юқори синф ўқувчисининг меҳрибончилиги ёқиб тушиб, 9-синф ўқувчиси Т.Х.ни тартибга қақриб қўйишини илтимос қилади.

С.О. А.А.ни ҳимоя қилиш мақсадида Т.Х.ни мактабнинг волейбол майдончаси ёнига олиб боради. «Нима учун ўзингдан кичкина болани урасан?» деб Т.Х.нинг жағига мушт туширади. Тўсатдан берилган зарбалар таъсирида оғир жароҳат олган Т.Х. хушидан кетиб йиқилди. Мактаб тиббиёт хонасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамадан у шу ерда вафот этади.

Ҳар бир тергов ва суриштирувда синчковлик ва масъулият талаб қилинади. Суд тиббий экспертизасининг хулосасида Т.Х.нинг ўлимига бош миянинг ёпик жароҳати, мияга қон қуйилиши, ўткир мия ва ўпка шиши натижасида келиб чиққан жароҳатлар сабаб бўлгани кўрсатилган. Бундан ташқари, комплекс судга оид психиатрия-психологик экспертизаси хулосасида С.О. жиноят содир этган вақтда аффект ҳолатида бўлмагани, руҳий ва ақлий ривожланиши ёшига мос экани ҳамда бошқа руҳий нуқсонлар мавжуд эмаслиги, руҳий ҳолатига кўра тиббий мажбурият чоралари қўланишига муҳтож эмаслиги қайд этилган.

Мазкур жиноят иши жиноят ишлари бўйича Чирчик шаҳар судида кўриб чиқилди. Суд ҳукмига кўра С.О. айбдор деб топилди, жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Сарвар ЭРКИНОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

# ЖАНГ САНЪАТИНИНГ БЕТАКРОР УСТАСИ

Буюк аждодларимиз ҳақида сўз борганда биринчи галда бетимсол давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темури номини тилга оламиз. Ҳазрат Амир Темури Осий ва Европа қитъаларида катта тарихий ўзгаришларни амалга оширган шахс сифатида ардоқланади.

## ИЛК ҚАДАМ ШИДДАТИ

XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда ҳукм сурган ниҳоятда оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни тақозо қилмоқда эди. Шунинг учун ҳам Амир Темури фаолиятининг дастлабки босқичида барча ҳаракатини Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга қаратди.

1365 йилда Тошкент билан Чиноз оралигида Илхсўжа бошлик мўғул истилочиларига қарши туқнашувда қайноғаси Амир Ҳусайн Темурбекка хиёнат қилиб, унинг қўшинига катта талофат келтирди. Бу жанг «лой жанги» номи билан машҳур.

Атрофини мустамлақачи чингизийлар ўраб олган Амир Ҳусайн хийла ишлатиб, Амир Темурга қарашли бўлган Қарши қалъасига ўзининг қариндоши Амир Мусони ҳоким этиб тайинлаб, унинг ихтиёрига етти минг аскар берган.

«Лой жанги»да жуда кўп одамни йўқотиб, аччиқ тажриба ортирган Темурбек қўшинлари орасидан жанг кўрган, довурак ва эпчил баҳодирлардан 243 кишини танлаб олади ва ярим тунда ҳужум қилиб, Қарши қалъасини ичидан ҳамда ташқарисидан қўриқлаб ётган Амир Мусонинг ўн минг кишилик лашкарини мағлуб этади. Соҳибқирон бобомизнинг бу улғу жасорати ҳеч қачон унутилмайди. Аслида бу порлоқ ғалаба ватанни мўғуллар зулмидан озод қилиб, буюк давлат қуриш йўлидаги илк қадам эди. Демак, Қарши шаҳри мўғул истибодига қарши озодлик туғи кўтарилган муқаддас маъводир. Сон жиҳатидан эллик баробар кўп лашкарга қарши қоронғу тунда ҳаёт-мамонт жангига отланган четдан қараганда ўта қалтис таваккалчиликдай кўриниши мумкин. Аммо Темурбек учун бу бир таваккалчилик эмас, балки барча имкониятлари олдиндан пухта ўрганилган, ўта аниқлик билан тайёрланган мардона ҳарбий тадбир эди.

## МАРДЛИК ВА ТАНТИЛИК ҚУДРАТИ

Қарши қалъасида асир олинганлар орасида Амир Мусонинг Муҳаммад исмли ўсмир ўғли ҳам бўлган. Баъзи амирлар уни банди қилиб гаровда сақлашни маслаҳат берадилар. Аммо Амир Темур буни ўзига эп кўрмай, уни қочириб юборишни буюради: «Токи у отасига барча кўрганларини айтиб берсин. Амир Мусо Темурбекка бас келолмаслигини шундан ҳам сезсин».

Бу тадбир ҳам, албатта, ўз натижасини беради. Амир Мусо Темурбекдан енгилганини тан олиб, ҳомийси Амир Ҳусайн ҳузурига қочиб боради. Темурбекнинг сўзи билан иши бир эканини, унинг мардлиги ва тантилигини бир неча бор кўрган Амир Мусонинг кўпгина аскарлари қуролларини ташлаб, Темурбек қаршида тиз чўкиб, агар тирик қолсалар, унга умрбод содиқ бўлишини айтидилар. Шу тарзда Темурбекнинг баҳодир йигитлари сафига яна юзлаб янги навкарлар қўшилади.

Амир Темур тарқок мамлакатни бирлаштиришга киришар экан, курашни аввало ички ғанимлардан бошлади. 1370 йилнинг баҳорида у Амир Ҳусайнга қарши жангга отланди. Ўша йилнинг 10 апрелида Амир Ҳусайннинг қўшини енгилди, унинг ўзи асир олинди, қатл этилди. 11 апрелда ўтказилган қурултойда Суюрғатмишхон мамлакат ҳукмдори деб эълон қилинган бўлса-да, амалда марказий ҳокимиятни Амир Темурнинг ўзи бошқарди, вилоятлардаги ҳокимиятни ўғиллари, набиралари ва яқин амирлар орқали идора қилди. Самарқанд Амир Темур давлатининг пойтахтига айлан-тирилиб, ўша йилнинг ёзида шаҳар девори ва қалъаси тикланди, сарой ва қасрлар барпо қилинди.

## РУС КНЯЗЛИКЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН БУЮК ҒАЛАБА

Амир Темур шимоли-ғарбдан, яъни Олтин Ўрда томонидан бўлаётган тазйикка барҳам бериш мақсадида Тўхтамышга қарши уч марта қўшин тортишга мажбур бўлган. Охириги марта 1395 йилнинг 28 февралда Шимолий Кавказнинг Терек дарёси бўйида Тўхтамыш қўшинига қашқатқич зарба берди. Унинг ҳарбий юришлари оқибатида Куйи Идил (Волга) вилоятлари, Сарой Берка, Сарочик ва Хожитархон (Астрахан) каби шаҳарлар ғорат қилинди. У Тўхтамышни қувиб Рязан вилоятигача борди ва Елец шаҳрини ишғол қилди. Шарафиддин Али Яздий Амир Темурнинг Москвага юришини шундай таърифлайди: «Соҳибқирон Маскавга сориким, Руснинг шаҳарларидан эрди, таважжук қилди. Анда етконда нусратшиёр черики ул вилоятни (шаҳар ва атрофини) чоптилар ва андаги ҳокимларни тобег қилди. Ва черикнинг элиқарига сонсиз мол тушти...».

Россия тарихчилари Борис Греков ва Александр Якубовскийнинг ёзишича, Амир Темурнинг Тўхтамыш устидан қозонган ғалабаси фақат Марказий Осий учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек тарқок рус князликларининг бирлашиши учун ҳам буюк аҳамият касб этган.

## ЭНГ МУҲИМИ – ҚЎШИННИНГ КЎПЛИГИ ЭМАС, ТАДБИР

Эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган Амир Темур қўшиннинг тузилишига катта аҳамият берди. У амир ва амирлу-умаро каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий этди. Қўшинни ҳарбий жиҳатдан ислох қилар экан, у айниса лашкарбошиларни танлаш ва тарбиялаш, ҳарбий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролларини ҳамда интизом масалаларига ниҳоятда катта эътибор қаради.

«Ғаним лашкарини енгил қўшиннинг кўпчилигидан, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик Тангрининг мадади ва банд-

сининг тадбири биландир». Амир Темурнинг ушбу ўғитидан кўриниб турибдики, у салтанатни бошқаришда улкан ҳарбий маҳоратга, кўникма ва тажрибага эга бўлган. Унинг лашкарида ҳар бир аскар, ҳар бир қисм фаолияти, яъни аскарнинг маоши, аслаҳа таъминоти, хизмат пиллаояларидан кўтарилиб бориши, навкар билан унинг беги ўртасида хизмат муомаласи, уруш пайтларидаги ҳарбий тактика каби барча масала ва тадбирлар олдиндан ўйланган, муайян бир тартибга солинган. Бир сўз билан айтганда, соҳибқироннинг лашкарида қатъий интизом ўрнатилган.

## ЦЕЗАР САЛТАНАТИДАН САККИЗ БАРОБАР КАТТА...

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда ички тарқоқлик, ўзаро низоларга, шунингдек Мўғулистон томонидан бўлиб турган тазйикларга чек қўйиб, ушбу ҳудудда яшовчи элларни ягона давлатга бирлаштирди. Аммо бу билан қаноатланмади. Тез орада у қўшни давлатлар устига юриш қилиб, уларни ўзига бўйсундириш ва марказлашган буюк салтанат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу даврда Олтин Ўрда, Хуросон ва Эрондаги иқтимоий-сиёсий вазият унинг учун жуда қўл келди. У ҳарбий юришни Хуросондан бошлади ва бу йўлда улкан ғалабаларни қўлга киритди...

Алалоқибат Амир Темур Ҳиндистондан Қора денгизгача, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтигига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган салтанатга асос солди. Бундан ташқари, Амир Темур давлатига Кичик Осий, Сурия, Миср ва шимоли-ғарбда Куйи Волга, Дон бўйлари; шимоли-шарқда Балхаш қўли ва Или дарёсигача; жануби-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар бўйсундирилди. Натижада у ҳудудий жиҳатдан инсоният тарихида энг йирик – Чингизхон давлатининг ҳудудидан бир ярим, Исқандар Зулқарнайникидан икки ва Юлий Цезарникидан саккиз баравар катта марказлашган буюк салтанат барпо этди.

## ҚАҲРИ – ҚИЛИЧ, МЕҲРИ – ДАРЁ


Амир Темур қаҳри қаттиқ бўлса ҳам, ўз жангчиларига нисбатан жуда жонқувар ва меҳрибон эди. У Йилдирим Боязидга қарши юриш олдиндан аскарларига бирварақайига етти йиллик маошини тарқаттирган эди.

Амир Темур Боязид билан ҳал қилувчи жангини бошлашга шошилмади. Уни обдан синаб, билиб олишга ҳаракат қилди. Унга тез-тез элчилар юборди, ўзини ислом динининг ҳимоячиси деб эълон қилгани туфайли христианлар билан жанг қилаётган ҳукмдорга қарши уруш очилдан тийибди. Бироқ уларнинг ёзишмаларида борган сайин кескинлик ортиб борди ва Амир Темур Боязидни қўриқтиб қўйиш ёки уруш эълон қилишга мажбур этиш ниятида рақибни босиб олган ерларга юриш қилиб, 1400 йилнинг августида Боязид ўзиники деб ҳисоблаган, Кичик Осийнинг хосилдор ерларида жойлашган иккита муҳим қалъа – Сивос ва Малатияга ҳужум қилиб, эгаллаб олди. Бу қалъалар Амир Темурнинг Кичик Осийга бўлажак ҳаракатлари учун таянч вазифасини бажариши мумкин эди.

## ЕВРОПА ХАЛОСКОРИ

Қалъаларни қўлга киритиш билан қаноатланган Темурбек Боязид билан ёзишмаларни давом эттириб, ўз қурол кучини Сурияга қаратди. Темурбекнинг Боязидга қарши қатъий ҳужум бошлангани чўзишининг асосий сабаби – Сурия ҳам қўлида бўлган Миср султони Боязид билан яқин алоқада эканлиги, керак бўлиб қолганда, унга мадад кучи юбориши, умуман, Боязид фойдасига қўпоровчилик қилиши мумкинлиги эди. Амир Темур муваффақиятсизликка учраган тақдирда қўшинининг ён тарафидан Миср султони каби кучли душман туришининг қанчалик хавфли эканини яхши тушунарди.

Соҳибқирон Миср султони қўшинини тормор қилиб, ўзини қочишга мажбур этди ва Дамашқни қўлга киритди. У Сурияни забт этгандан сўнг ўз нигоҳини Мўсулга, у ердан эса сиртдан Амир Темур ҳокимиятини тан олган, лекин Боязид муваффақият



қозонса, ундан юз ўгириши мумкин бўлган Бағдод томонга қаратди. У Бағдод шаҳри аҳолисининг ғалаёиларини баҳона қилиб, икки ойлик қамалдан сўнг бу шаҳарнинг ҳарбий истеҳкомлари ва кўрғонларини яқсон қилди.

Шундай қилиб у Усмонли туркларнинг кучли ҳукмдорига қарши уруш бошлашдан аввал ўзининг ён ва орқа тарафларини хавфдан ҳалос этиб, Боязид билан муносабатлари ёмонлашини кутган ҳолда жанговар қабилаларни жиловлаб қўйиш мақсадида яна Гуржистонга қараб юрди. Миср султони қўшинларининг мағлубиятга учраганини, Суриянинг забт этилганини эшитган Боязид гамгин ва ҳаёлчан бўлиб қолиб, аввалда ўзининг хавфли рақиби билан жанг қилишдан бош тортмоқчи бўлди.

Бироқ 1402 йилнинг 20 июлида Амир Темур ўзининг 200 минг кишилик қўшини билан Усмонли турк султони Боязид Йилдиримга қарши жангга кирди. Бу тўқнашувда Боязиднинг қўшини енгилиб, ўзи асир олинди. Бу ҳаракати билан Амир Темур эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланди.

### ЖАНГ САЊЪАТИНИНГ БЕТАҚРОР УСТАСИ

Соҳибқирон Амир Темур ўз даврининг зийрак ҳукмдори сифатида ҳарбий пешқадамликка эришиш подшоҳ қудратининг асосларидан бири эканини чуқур англаб етган ва бунга ҳар доим амал қилган. У ана шу мақсадда ўзингача бўлган буюк ҳукмдорлар, шунингдек, ўша давр ҳукмдорларининг жанговар санъатини пухта ўрганган ҳамда бу санъатни стратегия, тактика ва тadbирлар орқали янада кучайтириб, юксак поғонага кўтарган. Бироқ ўзга ҳукмдорлардан фарқли равишда Амир Темур ҳеч қачон зиддиятлар олдида ўзини йўқотмаган ва энг қийин аҳволга тушиб қолган пайтларида ҳам оқилона тadbир ва кенгаш билан вазиятдан чиқиб кетиш чораларини белгилay олган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темур ҳали давлат тепасига келмасдан туриб ўзининг кам сонли қўшини билан тажрибали мўғул ҳукмдори Илбасхўжанин кўп сонли лашкарига қарши курашаётган чоғда айнан бир тadbирга таяниб, душман ҳужуми хавфини бартараф эта олган экан. Табиийки, Илбасхўжа ва Амир Темур бир-бирининг устун ва заиф томонларини ўрганишга интилган. Аҳволни билиш учун Илбасхўжа тарафдан Амир Темур ҳузурига элчи келди. Соҳибқирон вазиятдан фойдаланиб, элчини чапгитиш мақсадида аскар сафларини қайта-қайта унинг олдида ўтказди. Натижада элчида Амир Темурнинг қўшини кўп экан деган фикр туғилди.

Соҳибқирон ҳарбий хийласини яна бир тadbир билан кучайтирди. У душман кўнглига ваҳима солиш учун жанг майдонидан четроқда отларнинг думига шох-шабба боғлатиб, оз сонли қўшинни қайта-қайта от чоптириб ўтказди. Натижада ваҳимали шовкин-сурон ва куюк чап-тўзон кўтарилди. Тунда эса ҳар-ҳар ерга катта гулханлар ёқтиради. Соҳибқирон томонидан ўйлаб топилган бу тadbир ўз натижасини беради ва душман жанг қилишга юраги бетгламай, Мовароуннахрни тарк этади.

### ИЗОХ ВА ИСБОТ ТАЛАБ КИЛМАЙДИГАН ҲАҚИҚАТ

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг буюк хизмати шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қакшатқич зарба бериб, пароканда элларни бирлаштириб, марказлашган қудратли давлатга асос солди. Юз минг аскар қилолмаган ишни бир тўғри тadbир билан амалга оширган, қилич кўтаришдан аввал ақл-идрок билан масаланинг ечимини топа билган соҳибқирон бобомиз буюк салтанатни барпо этишда, унинг тарих саҳифаларидан чуқур жой олишига эришишда ўзи таъкидлаганидек, доимо ақл билан иш тутиш ва тўғри тadbир қўллашни маъқул деб билган.

Дунёда ҳеч қандай изох ва исбот талаб этмайдиган ҳақиқатлар бўлади. Уларни куйиб-ёниб ҳимоя қилишга, ёклашга ҳожат йўқ. Ваганга муҳаббат туйғуси ана шундай олий ҳақиқатлар сирасига қиради. Энг муҳими, ана шу муҳаббат маъқ монанд инсоннинг хаёт йўлини ёритиб туради. Буюк бобомиз Амир Темурнинг хаёти бунга мисол, вафот этганига 615 йил бўлган бўлса-да, бу муҳаббат унинг руҳи покини ҳам нурларга чулғаб турибди.

Норбўта ГОЗИЕВ,  
«Нурқур»

ТАҲЛИЛ

# КРЕДИТ ВА ҚАРЗ

УЛАРНИ УНДИРИШГА ОИД ИШЛАРНИНГ БИР-БИРИДАН ФАРҚИ ҚАНДАЙ?



Бугунги кунда судларда кредит ва қарз муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни кўриш кўпайгани аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозимлигини кўрсатади.

**Қ**арзга тўхталадиган бўлсак, қарз шартномаси бўйича қарз берувчи қарз олувчига пул ёки бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига беришга ёки бўлиб-бўлиб шунча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортук бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт, тарафлардан бири юридик шахс бўлса суммасидан қатъи назар шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Ҳозирги кунда қарзларнинг энг кўп қисми тилхат асосида бериб келинмоқда, бу яхши албатта. Бироқ шартноманинги нотариал шаклда расмийлаштирилиши тарафлар ўртасида турли хил келишмовчиликлар пайдо бўлишининг олдини олади. Чунки нотариус томонидан мазкур шартномани бажариш шартлари ва бажармаслик оқибатлари, мажбуриятни бажариш тартиби аниқ белгилаб берилди.

Қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаганда шартномада кўрсатилган фойзаларни тўлаш билан бирга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича банк фойзини ҳам тўлашни талаб қилиш мумкин. Мисол тариқасида даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 3 млн. 100 минг сўм қарзини ҳамда қарз мажбуриятини

ўз вақтида бажармагани туфайли банк фойзини ҳам ундиришни сўради дейлик. Жавобгар 2017 йил 2 октябрда ёзган тилхатда у даъвогардан 3 млн. 100 минг сўм қарз олгани, қарзни бир ой ичида қайтариб бериши кўрсатилган. Лекин жавобгар қарзни шартномада кўрсатилган муддатда қайтармагани оқибатида даъвогар судга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Туманлараро суднинг ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган ҳамда қарз суммаси ва банк фойзи ундирилиши белгиланган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, қарз шартномасини расмийлаштиришда тилхат ёки шартномани қарз олувчининг ўзи имзолаши лозим. Тилхат ёки қарз шартномаси йўқлигини асос қилиб қарзни ундиришни талаб қилиш фуқаролар ўртасида турли норозилик ва оворагарчиликларга сабаб бўлади.

Шу боис қарз бериш жараёнида қарз олувчидан албатта тилхат талаб қилиш ёки қарз шартномасини расмийлаштириш керак.

Суд амалиётида қарзни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича қарздорлар қарзни қайтарганини рўқач қилиб қарзни тўламаган ҳолатлар кўп учрайди. Шу сабабли қарздор муайян суммадаги қарзини қайтарганида бу ҳақида қарз берувчидан тилхат олиши ёки ўзи ёзган тилхатни талаб қилиши лозим.

Бугунги кунда аҳоли банк кредитларидан ҳам кўп фойдаланмоқда. Шу боис кредит шартномаси тушунчасига ҳам изох бериш мақсадга мувофиқдир.

Кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) инкинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пулни қайтариш ва унинг учун

фойз тўлаш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси ва кредит шартномаси ўртасидаги фарқ шундаки, қарз фуқаролар ёки юридик шахслар ўртасидаги муносабат бўлса, кредит банк ёки кредит ташкилоти ажратадиган қарз ҳисобланади.

Кредит шартномаси албатта ёзма шаклда тузилиши лозим, унинг ёзма шаклига риоя қилмаслик ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Одатда шартномада нима мақсадда пул ажратилаётгани, шартноманинги амал қилиш муддати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўлов жадвали, низоларни ҳал этиш тартиби кўрсатилди.

Кредит шартномаси бўйича кафиал қарз олувчи билан солидар жавобгар ҳисобланади. Бундан ташқари, кредит шартномаси бўйича қарз қайтарилишининг кафолати сифатида гаров шартномаси асосида муайян мулклар гаровга қўйилиши мумкин. Кредит қайтарилмаганда у гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ундирилади.

Кредит шартномасидаги суммани белгиланган жадвал асосида қайтариш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Акс ҳолда кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилинишига сабаб бўлади. Масалан, банк судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар билан тузилган кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, кредитни фойзалар билан ундириш, ундирувчи гаров мулкига қаратишни сўради дейлик.

Маълум бўлишича, тарафлар ўртасида кредит шартномаси расмийлаштирилган, унга кўра қарздор ҳар ойнинг 25-санасида тўловни жадвал бўйича амалга ошириш мажбуриятини олган, бироқ тўловни уч ой кечиктирган.

Шартномага кўра тўловнинг икки ой кечиктирилиши шартномани муддатидан олдин бекор қилиш учун сабаб бўлади.

Мазкур ҳолатда суд шартнома шартли қарздор томонидан бузилгани туфайли даъвоини қаноатлантириш ҳақида бўлиб келган. Қолаверса, шунинг унутмаслик лозимки, даъво қаноатлантирилган ҳолатларда жавобгардан талаб суммасига мутаносиб миқдорда давлат божи ҳам ундирилади.

Хулоса қилиб айтганда, қарз берувчи ва қарз олувчи асрлар давомида амалда бўлиб келган миллий урф-одатларимизга, амалдаги қонун талабларига риоя қилса, фуқаролар ўртасида турли низолар келиб чиқишига, ортқча оворагарчиликларга барҳам берилди.

Фаррух ТОШНАЗАРОВ,  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори  
Насиба БЕГИМОВА,  
Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Хорижда ишланган фильмлардан бирини кўриб ўтирибман. Икки ёш никоҳдан ўтапти: «...Ҳаётнинг бахтли ва бахтсиз, яхши ва ёмон дамларида ҳам, соғ ва бемор пайтларида ҳам ҳаммиша бирга бўлишга қасамёд қиламиз...».

Улар жамоат олдида бир-бирларига ана шундай сўз беришди, аммо буна кай даражада амал қилишди, буни ҳаёт кўрсатади...

Аслини олганда биздаги конун талаблари бундан мустаҳкамроқ, шариат талабларининг моҳияти ўша қасамлардан чуқурроқ. Бироқ буни тушунган тушунади.

Яқинда таниш ҳуқуқшунос опа менга ғалати савол бериб қолди: «Бахтингизни ҳеч излаганмисиз?».

Тўғриси, жавоб беришга андак қийналдим. Сабаби, савол қай маънода берилгани ва моҳиятини англаёлмаётганим. «Бахтингизни топганмисиз?», «Бахтлимисиз?» демоқчимми?!

Жим қолганимни кўриб опанинг ўзи жавоб бера қолди:

хотини билан аввалдан таниш эди назарида...

Жаҳл устида қайночасиникига бир-икки жанжал қилиб борди ҳам. Охири тақдирга тан берди чоғи, бормай қўйди. Аммо болалари бу ноҳақликка асло чидагилари келмасди. Айниқса, отаси бегона аёлни эъозлаб, ўзларини камситаётганини сира ҳазм қилишолмасди. Улар Анварни ота демая, у ҳақда гапирмай қўйишди.

Янги ўқув йили олдида Шарифа кўшнининг даласида роса тер тўкиб ишлади. Ахир болаларига мактаб учун кийим-бош олиши керак, уларни бир ўзи боқиб келаяпти.

Шундай кунларнинг бирида аммаси уни уришиб берди:

– Қара, далада ишлайвериб қуйиблар

даги виждонсиз қариндошлари олдида ўзини ерга ургиси келмадим, укаси ва синглисининг қўлидан тортиб кўчага ошқиди. Бироқ Шохрух қўлидан юқиб чиқиб, отасининг рўпарасига борди.

– Бизга жой йўқ ерда анани нима қилиб юрибди бўлмаса?! – дея йиғи аралаш «янги ойи»га имлади у. Бундан бувининг фиғони ошиб, улар томон югурди. Қарғана-қарғана набираларини туртиб-нуқиб кўчага олиб чиқиб ташлади...

Шарифа дарвозадан йиғлаб кириб келган болаларидан бўлган воқеани эшитди-ю, уларни эргаштирганча эрининг уйига кириб борди. Бу пайтда Анвар ота-онаси билан бирга меҳмонга келган синглисини кузатаётганди.

– Сан-манга борган бўлсак, иккаламиз борганмиз, болаларда нима гуноҳ?! Нега уларни хайдайсиз?! – Шарифа Анварни кўриши билан бакира кетди. – Отасисиз ахир! Кунда келаятганмиди?! Нима, ҳовлига эга чиқиб олади деб кўрқиб кетдингизми?!

Бу гап Анварга оғир ботди. Бирдан жаҳл отига миниб, Шарифани ҳақоратлай кетди. Унга ота-онаси ва синглиси

ундаги шиддат, важоҳат Анварни ва онасини биров ҳушёр тортирди, орта чекиннишга мажбур қилди. Бундан фойдаланган Умида йиғлаганча онасини кўчага судради. Шохрух эса бир бурчакда инқиллаб ётган Мавлудани стақлаб уларнинг ортидан эргашди...

Анвар улар шу кетишида бирор ерга шикоят қилса керак деб кўрқгани тайин. Бироқ Умида онасини бундай нијатидан қайтарди:

– Уларга худонинг ўзи жазо беради! – деди шивирлаб.

Шу кўйи улар қайтиб у хонадонга боришмади. Ота уйда бахт эшиги ўзлари учун ёпилганидан тушқунликка тушмай, уни меҳнат ва билимдан излашди, унга интилишди.

Умида бугун олий тоифали шифокор, Мавлуда эса ўқитувчи. Шохрух ҳарбийликка қизиқарди. Ҳарбий хизматга кетди-ю, ўша ерда ишлаб қолди. Кейинроқ шу соҳа бўйича ўқиб ҳам олди.

Учови оиланинг нақадар азизлигини, уни йўқотиш қалбларга битмас жароҳат етказишини ўз аччиқ қисматлари мисолида кўргани учун бор меҳрини турмуш

МУНОҚАМА UCHUN MAVZU



– Ҳа, ҳамма бахтли бўлишга ҳақли, бироқ чинакам бахт уни излаганники, унга интилганники! Мабодо кимдир бахтсиз экан, унга ўзи айбдор.

Бу фикрга қўшилдим, чунки опа ҳақ эди. Кейин у киши бир оила мисолида ўзининг ҳақлигини яна асослаб берди.

...Анвар Шарифага кўнгли бериб уйланган. Аввалига турмушлари бинийдек эди – Шарифа эрига меҳрибон, Анварнинг ҳам хотинидан кўнгли тўқ, муомаласи жойида, меҳнатқаш, ораста...

Аммо нимадир бўлди-ю, ораларидан ола мушук ўтгандек, фарзандлари бўй етиб қолаётганда муросалари бузилди. Уч фарзанд кўргунча яхши бўлиб келган Шарифа энди эрининг кўзига балодай кўрина бошлади. Ўтирса ўпоқ дейди, турса – сўпоқ... Бахона – аллергия сабаб тез-тез нафаси қисиб қолаётгани...

Охири кундалиқ можаролар ажрашишгача бориб етди. Анварни на маҳалла-қўй муросага келтира олди, на қариндош-уруғ. Шарифа уч боласини етаклаб ота уйга кетди. Анвар эса кўп фурсат ўтмай бошқа бир аёлга уйланиб олди. Гуё шу билан ҳаммасига нукта қўйилди...

Қошки эди шу билан масала ҳал бўлса?! Табиийки, эрининг дарров уйланиб олгани Шарифага ёқмади. Уни нега «ектирмай қолгани»нинг сабабини ҳам англагандек бўлди – Анвар кейинги

кетибсан! Эринг эса ёшгина хотинини кучиб ўтирибди. Нима, болалар битта сеникими?! Уларни Анварнинг ёнига юбор, мактаб формаларини қилиб берсин!

Бу гап Шарифага ёқмади. Болаларга ҳам. Аммо аммаси оёқ тираб туриб олди. Умида ноилоҳ синглиси Мавлуда ва укаси Шохрухни стақлаб ота уйига кириб борди.

Ҳовлидаги қароватда буваси ва буви-си кичик қизлари билан бирга овқатланиб ўтиришарди. Набираларини кўрган чолу кампирнинг негадир кайфияти бузилди.

– Ҳа, нега келдиларинг?! – писанда қилди буви. – Нима, онанг боқолмай қолдимми?

Болалар жавдираб уларга қарашди. – Нега бакраясанлар?! – яна шангилади буви. – Тинчгина яшаётгудик, сенлар келиб уйимизда жанжал қўнади энди. Онангнинг номи ўчган бу хонадонда, ўрнини ана – кўнглимдаги келин тўлдирган!

Умида шундагина ошхонада қуймаланиб юрган «янги ойи»ни кўриб, ортага тисланди. Шу пайт каердангир отаси пайдо бўлди-ю, ўдағайлай кетди:

– Нега келдиларинг?! Онанг билан ажрашганман, сенларга нима бор бу ерда?

Умиданинг хўрлиги келди. Қарши-

ҳам қўшилгач, Шарифа буларга бас келолмайман деб ўйладими, шартга ўзи келин бўлиб тушган уйга кириб, ўтириб олди:

– Ана энди мендан кўрасанлар! Бу уйда менинг ҳам ҳаққим бор. Ҳеч қаерга кетмайман энди!

Буни кўрган Анвар ғазабдан бўғрикканча ичкарига кириб Шарифани ура кетди. Уларни ажратишга югурган Умида ва Шохрухнинг ҳам юз-кўзи аралаш мушт туширди. Мавлуда эса кўрққанидан бакириб йиғлашди тушди.

– Тивч рўзгоримни бузган яшшамагурлар! Ҳе илоё оғзиндан қонинг келсин сенларнинг! – буви югуриб келиб Мавлудани итариб юборди. Кейин Шохрухнинг юзига чанг солди.

Умида катта бўлиб қолган, бу оиладагилардан яхшилик чиқмаслигини аллақачон англаб етганди. Шунинг учун калтак ва тепкилар зарбидан вужуди зиркираб оғриётган бўлса-да, бор кучи билан бувисини нари итариб, ерда эрининг тепкиларидан тўлғонаётган онасига ёпишганча бор овозда бакирди:

– Ойи, туринг, кетдик! Бу ердан кетамиз, туринг деяпман!

Кейин отасига юзланди:

– Бўлди, ойимни урман! Кетамиз шу уйингиздан! Бу ерни энди елкамизнинг чўқури кўрсин!

Унинг ногоҳ янграган бу чинқирини,

ўртоқлари ва фарзандларига беришди. Ёлғиз боши билан уларни вояга етказган Шарифа ҳам кексайганида дилбандлари эъозиди. Онлавий йиғилиб қолишганида Анвардан сўз очилгудек бўлса, Умида Шарифани қучоқлайди:

– Бизнинг отамиз ҳам, онамиз ҳам – сиз!

Турмуш бир текис кечмайди. Баъзан бировларнинг турмушига ҳавас қилсанг, яна бировиникидан ўқинасан киши. Турфа оилалар тақдири тахлилига бериларканман, қўйди-чиқдиларсиз ҳаётни меъёрида ва ўз ўзанида оқаётган дарёга қисёслагим келади.

Турмуши бузилганларнинг кўпини кўрдим. Ажралишдан сўнг дилида илқиклик ва бахтиёрлик туйганларини шу пайтгача учратмадим. Аксинча, ҳар гал можаролашаётган томонлар ўртасида тирик етимликка мубатало этилган норасида гўдакларга талаш бўлаётган мулкка дуч келамиз.

Ҳаёт синовларига дош берганларгина бахтга эришади. Ҳаёт ўзи муаллим, нима дедингиз?!

Чиндан ҳам опа ҳақ: бахт – излаганники, унга интилганники!

Нилуфар НИЁЗОВА,  
«Низиқ»



# ЭСИЗ, АЁЛ ДЕГАН НОМ...

Дилафрўз (исмлар ўзгартирилган) фарзандлари Ҳакима билан Нозимни олиб онасини кўргани келди. Кекса, бетон онаси олдида бироз ўтиргач, Нозимни шу ердаги бешикка беллади, қизчасига кўз-қулоқ бўлишини тайинлаб, ҳовлига чиқди.

Нозимни бешикдан олиб, укаси билан шифохонага олиб кетди. Шифокорлар чакалонинг жони узилганини айтди.

Суд тиббий экспертизаси хулосасида мархумнинг кўкрак кафасида беш жойда санчилиб тешиб кирувчи яра, учта тешиб ўтмаган яра борлиги ёзилган.

Шарофатнинг бундай шафқатсизлик килишига нима сабаб бўлди экан деган савол туғилади.

Бир куни у телефонини созлатиш учун устага олиб борди. Шу куни бекатда Турсун билан танишиб қолди. Телефон рақамларини алмашишди. Шундан сўнг улар кўнгироклашиб, тез-тез кўришадиган бўлишди. Шарофат ўн етти йиллик турмушини, ширинлан-шакар икки фарзандини кайфу сафога алмашди. Аёллик ифратини, ор-номусини енгил-елпи ҳаётдан устун қўёлмади. Оиласининг шари, фарзандларининг тақдирини ўйлаб этагини йиғиштириб олишга нафси йўл бермади. Ҳар гал тумандаги ошоналарда бирга овқатланадиган бу кимсалар спиртли ичимликни қанда қилмасди.

«Ойни этак билан ёпиб бўлмайди» дейишди. Кўп ўтмай Шарофат билан Турсуннинг беномусликлари ошкор бўлди. Шарофатнинг турмуш ўртоғи Асрор уни талок қилди. Турмушини нопок йўлга алмашган аёл ота уйига қайтди.

Шарофат Турсун билан алоқани узмади, улар кўришиб турар, баъзан аёл Турсунниқанда қолиб кетарди. Бир гал Турсун уйда яшашни сўраганда «...яшаш учун шароит яратиб бер» деб бақирди. Жанжаллашиб қолишди, жажлига эрк берган Турсун аёлни уриб ташлади. Аёл уйига кетди, лекин кўп ўтмай яна Турсунни йўқлаб келди. Турсун улаф тополмай турганди. Шарофатнинг келгани яхши бўлди. Иккови спиртли ичимлик ичиб, маст бўлиб қолди. Кейин Турсун онасиникига боришини айтиб, чиқиб кетди. Аёл шу ерда ухлаб қолди. Уйқудан туриб, мудраб ўтирганда Дилафрўз билан Маърифатга дуч келганди.

Маънан қашшок, ўз холига ташлаб қўйилган аёл жаҳолат ботқоғига ботиб бўлганди. Турсун билан Шарофатнинг нопок килмишларидан бир оила жабр кўрди.

Суд Шарофатни 13 йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилди.

**Аббос АБДУРАЙИМОВ,**  
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

# АЁЛ ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ

Фирибгарлик қилиб, бировнинг пулини еб кетди... Қулоққа жуда ёмон эшитилади-я?! Устига-устак бу аёл зиёли, ўқитувчи бўлса-чи?! Бундай пайтда эскидан қолган «Домланинг айтганини қил, қилганини қилма...» деган нақл беихтиёр хаёлингизнинг бир чеккасидан ўтиб кетганини билмай қоласиз...

**Ж**иноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг «Кунчиқар» маҳалла фуқаролар йиғини биносида ўтказилган сайёр суд мажлисида судланувчи Манзура Махмудованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноят иши кўрилди.

Маълум бўлишича, Манзура Махмудова маълумоти олий, олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Оилали, битта фарзанди бор.

Илгари ҳам бир неча бор жиноят қилган бу аёлнинг жиноят иши бир гал ярашув асосида, кейинги сафар амнистия асосида тугатилган. Яна бир марта амнистия жонига ора кириб, жазодан озод қилинган бўлса, кейинги гал озодликни чеклаш жазосини ўташига тўғри келган.

...Сардорбек Менглиев юк машинасида ун ташиш билан шугулланадиган хайдовчи Файзулла Эшмуродовни уч йилдан бери танирди. Илгари ҳам ундан ун олиб турарди.

Олди-берди қилиб Сардорнинг ишончига кириб олган Файзулла ундан ишларини юритиб олиш учун 20 млн. 500 минг сўм қарз олди. Шундан 13 млн. сўмини қайтарди-ю, қолганини «ана бераман, мана бераман» деб юраверди. Бу орала бир неча ой ўтиб кетди.

2019 йил июнь ойининг ўрталарида Сардор Файзулла билан учрашиб, пулини қайтаришини қатъий талаб қилиб туриб олди:

– Сарсон қилиш ҳам эви билан-да, – деди у хайдовчига аччиқлашиб. – «Қўлинг билан бериб, оёғинг билан югурасан» деганлар шу экан-да... Беринг-да энди пулимни...

– Манзура деган домулла опада пулим бор, – деди Файзулла. – Шундан пулимни олсам, қарзимни берардим...

Сардор ундан ўша опанинг телефон рақамини сўраб олди. Сўнг аёлга кўнгирок қилиб, дардини айтди. Опа унга учрашиб, гап-лашиб олишлари кераклигини айтди.

– Нима, мен Файзулладан қарздор эмишманми? – деди Манзура юзма-юз мулоқот чоғида Сардорнинг дийдиёсини эшитгач. – Унинг ўзининг мендан ўттиз миллион сўм қарзи бор-ку...

– Йўғ-е, – деди Сардор хавотири багтар ортиб.

– Энди гап бундай, – деди Манзура. – Файзулладан пулингизни ундиршининг фақат битта йўли бор. Агар заводдан 400 қоп ун олиб чиқсам, Файзуллага сотишимни айтаман. Мижозларнинг пулини олиб келган пайтда пулни олиб қўяман. Сизнинг етти яримингизни ҳам шунинг ичидан бераман...

– Мен заводдан пул кўчириш йўли билан 400 қоп унни олиб чиқаман, – деди Сардор. – Лекин Файзулладан пулни ололмай қолган тақдиримда ҳам унни ишхонамга олиб кетаман...

«Ҳамкорлар» шунга келишиб, хайрлашишди.

Маҳсулотни заводдан олиб чиққач, Сардор опага хабар берди. Манзурага ун ортилган машина хайдовчиларининг, уларга эса опанинг рақамини берди. Қарши шаҳрига яқинлашиб келган вақтида, онаси телефон қилиб, турмуш ўртоғини шифохонага олиб бориш кераклигини айтди.

Сардор ортига қайтиб, турмуш ўртоғини туғруқхонага олиб борди. Шу кеча шифохонада қолиб кетди. Бир пайт машинадаги юки ёдига тушиб, опага кўнгирок қилди. Манзура ишлар силлиқина ҳал бўлаётганини, ҳозир пулни олиб келишяётганини маълум қилди. Аммо эртаси куни... негадир опанинг телефони «ишламай» қолди.

Уни излаб уйига борди. Манзура энди гапни бошқачасига айлантирди. Унни Файзулла сотганини, пулини ҳам у беришини айтди. Сардор Файзуллага кўнгирок қилди. Аммо туша олмади. Манзура билан бирга унинг уйига ҳам излаб бориб, тополмади. Опандан Файзулла унни кимга сотганини сўраган эди, у бу одамни Файзулла топганини, танимаслигини айтди.

Сардор излаб-излаб унни сотиб олган кишини топди. У эса пулни Файзулла билан бирга келган Манзурага берганини айтди. Манзура эса тоғиб туриб олди...

Шундагина Сардор ёмғирдан қочман деб, дўлга тутилганини англаб, бошини чангаллади...

Суд мажлисида Манзура Махмудованинг Сардор ишлайдиган МЧЖга қарашли нон ишлаб чиқариш билан шугулланувчи «Қарши иссиқ нон» шўъба корхонаси учун берилган 28 млн. 703 минг 998 сўмлик 20 тонна унни фирибгарлик билан қўлга қиритиб, сотиб, пулини ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани гувоҳларнинг қўрсатувлари ва бошқа бир қатор далиллар билан ўз исботини топди.

Суд ҳукми билан Манзура Махмудовага иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди. Судланувчининг қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарни қоплаб бергани, жабранувчининг унга нисбатан даввоси йўқлигини ҳисобга олиб, жазо шартли ҳисобланиб, бир йил синов муддати белгиланди. Бу муддат давомда жазонинг шартлидигини беқор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазо ижро этилмайди.

Ҳа, зиёли аёлга самимият ярашади, ҳалоллик ярашади. Аммо асло фирибгарлик эмас...

**Ақтам НАВРҲҲҮЗОВ,**  
Қарши шаҳар прокурори



## FAOLIYATIDAN

# ЖИНОЯТ ЗАНЖИРИ УЗИЛДИ

Хаётда дунёқараши, орзулари бир-бирига яқин кишилар дўст, шерик, ҳамсуҳбат бўлишади. Жиноятчиларга нисбатан «кўр кўрни қоронғуда топибди» деган ибора ишлатилади.

Фирибгарлик билан бировларнинг мулкани қўлга киритишни кўзлаган жиноий гуруҳга мурожаат қилган Ш. Эсанова «Кобальт» машинаси харид қилмоқчилигини айтди.

– Гап бўлиши мумкин эмас, опажон. «GM-Uzbekistan» автомобил заводи билан шартномамиз бор, – деб йигитлардан бири ёлгон сўзлади.

– Қандай яхши! Барака топинглар. Қанча тўлаш керак?

– 78 миллион 454 минг сўм.

Эпчил ходимлар 2018 йил 2 апрель санаси билан сохта шартномани тўлдириб, кўзларини лўқ қилиб туришганида Ш.Эсанова асида МЧЖ 23 апрелда рўйхатдан ўтганини қайдан ҳам билсон.

Когон шаҳар Бухоро шоҳқўчасида жойлашган «Uz avto trans city» МЧЖ офисига харидорлар оқиб кела бошлади. Навбатдаги ўлжа бўлган Т.Рах-

монов «Дамас» учун 36 миллион 400 минг сўм тўлаб қўйди. Қисқа фурсатда оз эмас-кўп эмас – 80 кишидан миллионлаб сўм пул олинди-ю, шартноманинг бажарилиши ўлда-жўлда қолиб кетаверди.

Пул топишининг бу услуби ёқиб қолган фирибгарлар алданган одамларнинг ҳуқуқини поймол этиб юрaverишди. Аммо кун келиб қонун олдида албатта жавоб беришларига тўғри келди.

Суд М.Жўраевга 9 йил, А.Шукуровга 8 йил, А.Иброҳимовга 8 йилу 3 ой, О.Тошпўлатовга 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек М.Саидқаримов ҳамда Ж.Йўлдошевлар ҳам қилмишига яраша жазога тортилди.

**Шерзод РАҲМОНОВ,**  
департаментнинг Когон шаҳар бўлими бошлиғи

# ИШОНЧНИ ЙЎҚОТГАН БАНКИР

Масъулияти чекланган жамият ташкил қилиб тадбиркорлик билан шуғулланиб юрган А.С. тикувчилик ва тўқувчилик дастгоҳлари сотиб олиш учун банкдан уч йил муддатга 1 млрд. 500 млн. сўм кредит олди. Ҳар ойнинг йигирманчи куни кредитни ва фоизларини тўлаб борди. Ҳаммаси бинойидек кетаётган эди. Аммо...

Кутилмаганда «Микрокредитбанк»нинг Тошлоқ туманидаги минибанки етакчи мутахассиси А.В. унга қўнғирок қилиб, агар ярмини нақд берса, кредитнинг ойлик тўловларидан 51 млн. сўм қарзини танишининг ҳисобрақамидан пул ўтказиб қолаб қўяжати-га ишонтирди. Етакчи мутахассис ойнанинг ўн тўққизинчи куни минибанк ёнида ўртоғи М.Н. билан келган тадбиркордан 22 млн. 800 минг сўмини санаб олди. Тадбиркорга кредитнинг ойлик тўловини ёпиб қўяман дея алдаб юрaverди.

Алданган МЧЖ раҳбарининг мурожаатини ўрганиш давомида А.В. ундан олган пулни шахсий эҳтиёжига сарфлаб юборгани аён бўлди. Суриштирув ва тергов мобайнида тадбиркорга 3 млн. сўмини қайтариб берди. Судда фирибгар алдаб олган пуlining қолган 19 млн. 800 минг сўми ҳам қайтарилганини инobatта олишни сўради. Ўз навбатида тадбиркор етакчи мутахассисга қонуний жазо тайинлашни талаб қилди. Суд зарар қопланганини инobatта олган ҳолда фирибгарга муайян муддат банк-молия тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш баробарида икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Энг ёмони, банкнинг собиқ ходими нафс қўйида кўпнинг ишончини йўқотди.

**Сардорбек СИДИҚОВ,**  
департаментнинг Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи

Бухоро вилоятида «Uz avto trans city» МЧЖни ташкил қилган М.Жўраев, А.Шукуров, А.Иброҳимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноий шерик бўлиб қолишларини билишганмикан? Жавоб ўзларига хавола. Уларнинг сафи М.Саидқаримов ва Ж.Йўлдошевлар билан янада кенгайди.

МЧЖ номидан кўрнинг турбидики, жиноий гуруҳ енгил автомобиллар ва енгил моторли транспортларни ижарага ва лизингга бериш билан шуғулланишни режалаштирган. Асли тошкентлик бўлган йигитлар масъулияти чекланган жамиятни 2018 йил 23 апрель кунини Шофиркон тумани давлат хизматлари марказида рўйхатдан ўтказишга эришишди.



Гиёҳвандлик – аср вабоси

## ГУГУРТ ҚУТИСИДАГИ ОҒУ

Умр – оқар сув. Инсон буни баъзан англайди, баъзида йўқ. Ўтган дамни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди.

Ёшликдаги бегубор орзу-умидлар инсоннинг хаётини безайди. Инсон шу бегуборлик даврида кўпинча икки йўл ўртасига тушиб қолади. Пок ва нопок йўл. Қай бирини танлаш эса унинг ақл-идроки ва иродасига боғлиқ. Биринчи йўл юксак чўққиларга олиб чиқса, иккинчиси ботқоқликка қараб тортади. Нопок йўлнинг бир кўчаси гиёҳвандликдир.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик воситаларини етиштириш, истеъмол қилиш, сақлаш ва сотишининг олдини олиш учун катта чоралар кўриляётганига қарамай, айрим калтабин кимсалар бу борадаги қонун талабларини бузиб, жиноят содир этишда давом этмоқда. Ваҳоланки, гиёҳвандлик – аср вабоси деб бежиз айтилмаган.

Қарши шаҳрининг Бўстон маҳалласида яшовчи Ш.М. ҳам шундайлардан бўлиб чиқди. У нопок йўлга кирди-ю, ундан қайтиб чиқишнинг иложини тополмади. Натияжада гиёҳванд ва гиёҳфурушга айланди.

Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси, давлат хавфсизлиги хизмати вилоят бошқармаси ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир пайтида Ш.М. ҳам жиноят устида қўлга олинди. Ундан гугурт қутиларига жойланган 64,2 грамм наркотик модда ашёвий далил сифатида олиб қўйилди ва ҳужжатлаштирилди.

Ш.М. суд ҳукми билан қилмишига яраша жазосини олди. Унинг қисмати гиёҳвандликка ружу қўйган, унинг воситасида мўмай даромад топишга интиляётган кимсаларга сабоқ бўлиши керак.

**Акмал МУҲАММАДИЕВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

## ЎН ТОННА СПИРТ САВДОСИ

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тўртқўл тумани бўлими ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда фуқаро С.Е. ўз уйидаги яширин цехда қўлбола усулда ароқ ишлаб чиқараётгани аниқланди. У ароқ тайёрлашда Эшликқалъа туманидаги «Навой» овул фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи А.Ю.нинг уйида сақлаб қўйилган спиртдан фойдаланаётгани маълум бўлди ва умумий қиймати 124,5 млн. сўмлик 10 тонна спирт ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказилмоқда.

**Аскар ЕМБЕРГЕНОВ,**  
департаментнинг Тўртқўл тумани бўлими бошлиғи

## НАФСИ ЎПҚОН МУҲАНДИСИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари ўтказган тезкор тадбирда яна бир жиноий ҳаракатга чек қўйилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АК «Кўнғирот минтақавий темирйўл узели» УК «Урганч темирйўл масофаси» бош муҳандиси лавозимида ишлаган фуқаро Б.Н. хизмат мавқеидан фойдаланиб, фирибгарлик қилмоқчи бўлади. Бош муҳандис намунавий уй қурувчи МЧЖнинг иш бошқарувчиси А.Т.га юқори лавозимда ишловчи мансабдорларга пора бериш орқали жамият курган 100 та уйни газ тармоғига улаш учун техник шарт оlib беришни ваъда қилиб, эвазига 3 миллион сўм сўрайди.

Иш бошқарувчи ушбу ноқонуний ҳаракат юзасидан департаментнинг Хоразм вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилади ва унга асосан ўтказилган тезкор тадбирда бош муҳандис Б.Н. иш бошқарувчи А.Т.дан 3 мил-



лион сўм пулни фирибгарлик билан олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Қонундан ташқари ишлар кишига фақат ташвиш келтиради.

**Расулбек ШЕРЛИЕВ,**  
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари



# ИЧИМЛИК СУВИ МУҲОФАЗАСИ

## ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Маълумки, сув инсон учун энг зарур табиий ресурс бўлиб, унинг етарлича тоза сув билан таъминланганлиги қолган барча ҳуқуқларини амалга оширишнинг зарурий шарт ҳисобланади.

Инсоннинг ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи доирасида унга нисбатан қўлланадиган тозаллик, етарлича хавфсизлик ва очиклик каби талаблар муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир инсон эҳтиёжини қондириш учун етарли даражада (камида 20 литр) ва узлуксиз сув билан таъминланиши лозим.

Ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи сув ҳуқуқининг асосий, комплекс ва мустақил институтларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқ институтини сифатида ичимлик сувдан фойдаланиш ҳуқуқи сувдан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат бўлади. Сув ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири сифатида ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи бир нечта субинститутга бўлинади. Масалан, ичимлик истеъмоли сифатида сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, ижтимоий-маиший эҳтиёжларни қондириш мақсадида сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, даволаш мақсадида сувдан фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳоказо.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда асосий масалалардан бири сув қонунчилигини такомиллаштириш саналади. Бунинг учун, фикримизча, қонун ҳужжатларида, биринчидан, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир этувчи экологик хавф-хатарни камайтириш; иккинчидан, инсоннинг зарур миқдорда тоза сувга эга бўлиш ҳуқуқини мукамал белгилаб қўйиш лозим. Шунингдек, экологик ва санитария стандарт-

ларини янгилаш, уларга риоя этилиши устидан давлат назоратини кучайтириш, экологик мониторингни ривожлантириш бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ичимлик суви олинadиган жой куйидаги талабларга жавоб бериши керак, яъни: 1) санитария нуқтаи назаридан ифлосланиш хавфининг йўқлиги; 2) ҳар қандай ҳолатда водопровод тармоқларига сувнинг етарли миқдорда келиб туриши; 3) сув олиш иншоотлари ва сув олиш жойи ҳимояланган бўлмоғи; 4) очик сув хавзаларидан танланган сув олиш жойи аҳоли тураржойидан, оқова сув оқиб тушадиган ҳудуддан юқорироқда бўлиши; 5) водопровод иншооти қурилатганда шахар ёки қишлоқнинг ҳозирги чегараси эмас, балки бош лойиҳадаги чегараси назарда тутилмоғи даржор.

2000 йилдан бошлаб мамлакатимизда O'zDSt 951:2000 (ҳозирги вақтда O'zDSt 950:2011) «Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбалари» миллий стандартига амал қилинмоқда. Ушбу стандарт марказлаштирилган сув таъминоти учун танланган манбаларга гигиеник ва санитар-техник талабларни белгилайди. Уларни танлаш мезони сифатида аҳоли саломатлиги ҳисобга олинади. Ичимлик суви сифатини белгилайдиган қўплаб омилларни ҳисобга олган ҳолда хавфсиз сув таъминотини бешта асосий кўрсаткич: сифат, миқдор, узлуксизлик, камров ва нарх

билан аниқлаш мумкин.

Ўзбекистоннинг экологик доктринасида жамият-табиат муносабатларини тартибга солиш замон талабларидан орқада қолаётгани таъкидланади. Шунга айтиш керакки, ичимлик суви сифати нормативлари мамлакатимизда 15 йилдан бери қайта кўриб чиқилмаган эди. 2000 йил 9 мартдан эътиборан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан «Ичимлик сув. Гигиеник талаблар ва сифат назорати» O'zDSt 950:2000 (ҳозирги вақтда O'zDSt 950:2011) амалга киритилди. Ушбу стандартда ичимлик суви сифатининг назорат қилинадиган кўрсаткичлари белгиланди. Республика санитар-эпидемиологик хизмати мазкур стандартдан келиб чиқиб аҳолига берилётган сувнинг сифатини доимий назорат қилиб боради.

Ўзбекистонда истеъмолчиларга кадоқланган ҳолда етказиб берилadиган ичимлик сувига оид талабларни белгилувчи ягона норматив-техник ҳужжатнинг қабул қилиниши истеъмолчилар ва кадоқланган сув ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқини амалга оширишнинг тўғри ечимини топиш имконини беради.

Афсуски, мажбурий сертификатлашга оид амалдаги қонун ҳужжатларида ичимлик сувини сертификатлаштириш учрамайди. Ўйлашимизча, сув таъминоти соҳасидаги материаллар, реагентлар, технологик жараёнларга нисбатан мажбурий сертификатлаштиришни тартибга солишда келажакда қабул қилинадиган «Ичимлик суви тўғрисида»ги қонун мантқий нуктани қўяди.

Ушбу тизимнинг норматив ҳуқуқий базаси икки асосий йўналишда шаклланади: сертификатлаштириш объектларига оид техник талаблар ва уларни синаб кўриш усуллари. Шундан келиб чиқиб, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунни аҳолини меъёрий сифатга эга бўлган ичимлик суви билан таъминлашни сертификатлашга тааллуқли норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, бутунги қунда сув қонунчилигида ичимлик ва маиший сув таъминоти манбаларига маҳсус муҳофаза қилинувчи объектлар макomini бериш, ичимлик ва маиший сув таъминоти манбаларидан фойдаланишнинг алоҳида қондаларини ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга водопровод-каналзация хўжалиги ташкилотларига илғор технологиялар ва тажрибалардан фойдаланиш мажбуриятини юқлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қондаларни киритиш лозим.

**Ҳасан ҲАЙИТОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил тадқиқотчиси

## ТОШКЕНТ ҲАВОСИ ТОЗАЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассисларининг маълум қилишича, пойтахтда автомобиллар ҳаракатига чеклов натижасида апрель ойи сўнгига қадар автоуовлардан атмосферага чиқаётган зарарли газлар миқдори 32,5 минг тоннага камайиши кутилмоқда.

### Аввал вазият қандай эди?

Йил бошида Тошкент шаҳрида 460441 та транспорт рўйхатдан ўтган бўлса, шундан 396012 таси хусусий секторга тегишли. Ушбу транспортлар бир йилда ўртача 400 минг тонна ташланма билан атмосферани заҳарлайди.

1 апрелдан жорий этилган карантин (чекловчи тадбирлар) даврида 100 мингга яқин транспортнинг ҳаракатланишини тахмин қилсак, қолган

300 мингга яқини юришдан вақтинча тўхтаса, табиий равишда апрель ойининг ўзида атмосферага чиқаётган заҳарли газлар 80 фоиз камаяди.

Шундай экан, агар сизнинг уловингизга ДХА рухсатнома бермаган бўлса ҳеч ҳам сиқилманг. Бу ҳам яхшиликка албатта. Балки табиатга ҳам бироз эркин нафас олиши учун имкон беришмиз керакдир.

**Демак, уйда қолинг!**

Коронавирусга чалинган Буюк Британия бош вазири Борис Жонсоннинг вазифасини бажариб туриш ташқи ишлар вазири Доминик Рааб зиммасига юклатилди.



## ҚОНУН ҒИРРОМЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

Совуқ кунларда энергия ресурсларига талаб ортади, бу эса бюро органлари ходимларининг ҳушёрлигини кучайтиришни тақозо қилади. Чунки «Гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидай, истеъмолчилар орасида қинғирликка мойиллари ҳам учрайди.

Мажбурий ижро бюросининг Урганч тумани бўлими ходимлари ўтказган ўрганишда тумандаги фермер хўжалигига қарашли иссиқхонага ўрнатилган газ ҳисоблагич ускунаси ишламай қолгани, газ таъминоти корхонасига 42,5 млн. сўмлик зарар етказилгани аниқланди.

Худди шундай қонунбузарлик Фарғона вилоятида ҳам фош қилинди.

Мажбурий ижро бюроси Олтиариқ тумани бўлими ходимлари «Агрокимёхимоя» АЖ туман филиалига қарашли «Тинчлик» МФЙда жойлашган марказий омборхона ва таъминот бўлимида текшириш ўтказган.

Аниқланишича, филиал раҳбари Р.Эргашев омборхона ва таъминот бўлимига бюро ва таъминотчи корхона вакиллари билан электр ҳисоблагич ўрнатиб олинишига йўл қўйиб, электр таъминоти шартнома-сида кўрсатилмаган ва махсус пломбаланмаган ҳисоблагич орқали электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келган. Шу тариқа туман электр таъминоти корхонасига 30 млн. 296 минг 52 сўм моддий зарар етказган.

Оқоридаги ҳолатлар бўйича терговга қадар текширув жараёнида ҳуқуқбузарларга биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар жиноят аниқланган кун-

дан эътиборан ўттиз кун ичида етказилган зарарни қопласа, жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги тушунтирилган. Натижанда ҳуқуқбузарлар ўттиз кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган. Шунга қўра айбилик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят иши кўзгатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Эндиликда бу шахслар энергия ресурсларидан қонуний фойдаланиш зарурлигини тушуниб етишган бўлса ажаб эмас.

**Бобомурод УМАРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма катта инспектори

## ИССИҚХОНАДАГИ ЎҒИРЛИК

Бюронинг Қумқўрғон тумани бўлими томонидан «Тўғон», «Чабентапа», «Янгир», «Халаки» МФЙлардаги фуқаролар уйидаги иссиқхоналарда электр энергияси ва табиий газдан қандай фойдаланаётгани ўрганилди.

Текширишлар натижасида маҳалладаги иссиқхоналар газ тармоғига уланмагани аниқланди. Бирок Тўғон маҳалласидаги хонадонлардан бири текширилганда унинг томоркасида 7 сотихлик иссиқхона электр тармоғига ноқонуний улангани, ушбу истеъмолчи туман электр тармоқлари корхонасига 2 млн. 548 минг сўм зарар етказгани маълум бўлди.

Ҳуқуқбузар маъмурий жавобгарликка тортилиб, бу каби ҳолат такрорланмаслиги учун бюронинг туман бўлими томонидан ҳуқуқий тушунча берилди.

**Жафар ҚЎЗИЕВ,**  
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари

## ФЕРМЕР ТЎҒРИ ЙЎЛГА СОЛИНДИ

Бюронинг Қизилтепа тумани бўлими томонидан ўтказилган текширишда Қизилтепа тумани Ванғози маҳалласида жойлашган «Карим Насим» фермер хўжалиги раҳбари Шойим Чориев (исм-фамилияси ўзгартирилган) хўжаликка қарашли иссиқхона ва бинода табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келиб, «Қизилтепа туман газ» идорасига 34 млн. 382 минг 400 сўм зарар етказгани аниқланган.



Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган суриштирув давомида моддий зарар тўлиқ қоплангани сабабли Ш.Чориевга нисбатан тўлланган ҳужжатлар ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан тугатилди.

Ҳозир фермер «Қизилтепа туман газ» идораси билан шартнома тузиб, табиий газдан қонуний фойдаланмоқда.

**Анвар ҒАФФОРОВ,**  
МИБ Қизилтепа тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

## БУРЧНИ УНУТГАН ОТА

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг қарорига асосан З.Очиловдан вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган эди. Давлат ижрочиларининг саъй-



ҳаракати самара бермади – қарздор алимент тўлашдан бош торгаверди. Фуқаро Нуробод тумани маъмурий судининг қарорига асосан 15 суткага қамалган бўлишига қарамадан керакли хулоса чиқармади.

Бурчини унутган отага нисбатан жиноят иши кўзгатишга тўғри келди.

Жиноят ишлари бўйича Нуробод тумани судининг ҳукмига асосан З.Очилов саккиз ойга озодликдан маҳрум этилди.

Фарзандларимизни юртига, халқига хизмат қиладиган етуқ инсон қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

**Зулфиддин ЭСАНОВ,**  
МИБ Нуробод тумани бўлими бошлигининг ўринбосари в.б.

## ҚАРЗ ЎРНИГА МАШИНА

Бюронинг Урганч шаҳар бўлими иш юритувида Урганч туманлараро иқтисодий судининг ижро варақасига асосан қарздор «Муҳаммад Кафолат Транс» хусусий корхонасидан ундирувчи АТБ «Қишлоққурилишбанк» фойдасига жами 104 млн. 324 минг 893 сўм ундириш белгиланган.

Ушбу ижро ҳужжати юзасидан бўлим давлат ижроси томонидан қарздор хусусий корхонасига тегишли 2009 йилда ишлаб чиқарилган «НОВО ZZ3257N3847C» русумли ўзи ағдарувчи юк автомашинасига 2019 йил 12 декабрда қидирув эълон қилинган.

Шу асосда ўтказилган тезкор қидирув талбирлари давомида қарздорга тегишли юк автомашинаси Хонка тумани, Қирқёп қишлоғи, Обод маҳалласида яшовчи фуқаро Қ.У. бошқарувида эканлиги аниқланиб, 2020 йил 23 январда бўлим ходимлари томонидан мазкур автомашина хатланиб, Урганч шаҳридаги жамиятга қарашли транспорт воситаларини вақтинча сақлаш майдонида қўйилди.

**Ф.ЯҚУБАЕВ**  
МИБ Урганч шаҳар бўлими катта инспектори

## ҚАРШИЛИК ҚАРЗДОРЛИКНИ КАМАЙТИРМАЙДИ

Қорақалпоғистон Республикаси мажбурий ижро бюроси ходимларининг ҳаракатлари билан 2020 йил бошидан буён энергия ресурслари ва маиший чиқиндилар учун жами 229 млрд. 626 млн. сўмдан ортиқ қарз ундирилди, суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш соҳасида эса 60 млрд. сўмдан ортиқ ҳужжатларнинг ижроси таъминланди.

305 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланган чоралар натижасида давлатга етказилган 475,3 млн. сўмдан ортиқ зарарнинг қопланишига эришилди.

Афсуски, бюро ходимлари фаолияти давомида салбий ҳолатларга ҳам дуч келмоқда. Айтилик, айрим фуқароларимиз коммунал тўловларни, айниқса, фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ ҳақини тўлашдан бўйин товлаб, бюро ходимларига қаршилик кўрсатаяпти, ҳақорат қилиб, ҳатто жароҳат етказишмоқда.

Шу кунга қадар бешта ҳолатда бюро ходимларига қаршилик кўрсатган ҳуқуқбузарларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди. Хусусан,

бюронинг Қораўзак тумани бўлими инспектори ўзига бириктирилган ҳудудда истикомат қилувчи Т.Аманиязовнинг уйига борганда хонадон эгаси маст ҳолатда инспекторнинг қонуний ҳаракатларига қаршилик кўрсатиб, уни ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлаган ва бўйнига уриб жароҳат етказган. Оқибатда Т.Аманиязовга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд томонидан унга 2 млн. 230 минг сўм жарима солинди.

**Фарҳад УРАЗБАЕВ,**  
МИБ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси шўъба инспектори

# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



**Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Маҳмуджон Азизов табаррук 80 ёшни қарши олмақда.**

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда, жумладан, Наманган вилояти прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Янгикўрган тумани прокуратураси терговчиси, Наманган тумани прокуратураси терговчиси, Давлатобод тумани прокурори ёрдамчиси, Наманган шаҳар прокурори ёрдамчиси, Мингбулок тумани прокуратураси терговчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазибаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрайди.

Маҳмуджон Азизовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Маҳмуджон Ахмаджонович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!



**Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Метинбой Саïдов қутлуг 60 ёшни қарши олмақда.**

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Бухоро, Тошкент ва Наманган вилояти прокуратуралари идораларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида турли масъул лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазибаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида хурмат қозонди. Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрайди.

Метинбой Саïдовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Метинбой Саïдов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий товулик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

JINOYAT VA JAZO

## ФИРИБГАРЛАР

Қонун-қонидани яхши билмаган, билса ҳам амал қилмаган, қонунни четлаб бўлса-да, жавобгарликдан қутулиб қолишга жазм этган кишилар фирибгарнинг тузоғига тушиб қолишини кўйидаги мисолларда кўриш мумкин.

Улфатлар чойхонада жам бўлишди. Аския, ҳазил-хулус қилиб, яйраб ўтиришди. А.Х. аввалига рудаман, ичмайман деди-ю, кейин кўнгли суст кетди. Дастурхонга палов тортилгунча бир неча пиёла арокни смирди. Бундан буюк бўлиб чикишини ўйламади. Кўштепа туманидаги «Dewoo» корхонаси олдида уни ЙХХБ Тошлоқ тумани бўлимидаги ходимлари тўхтатиб баённома расмийлаштиришди. «ВАЗ-2106» автомобилни тумандаги жарима майдонига киритиб қўйишди. Орадан икки кун ўтиб, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ҳужжатлар Қўштепа тумани маъмурий судига юборилди. А.Х. билан бирга ишлайдиган ёш аёл мушқулани осон қиладигандай бўлди. Синфдоши билан учраштира қўйди.

Илгари фирибгарлик қилиб судланган йигирма етти яшар А.А. бир ойлик ҳарбий хизматни ўташ тарафиданда эди. Тўловга пул топиш учун бош қотараётганди. А.Х.га ўзини ДХХ ходими сифатида таништирди. Спиртли ичимлик ичиб машина ҳайдаганлар 16 млн. 500 минг сўмгача жаримага тортилишини ва 15 сутка маъмурий қамок жазоси қўлла-

нишини айтиб дилига гўлғула солди. Ёрдам беришга ҳаракат қилишини айтди. Орадан бир неча кун ўтиб кўнгирик қилган А.Х.га «5-6 млн. сўмга ишингиз ҳал бўлади, бу пулни танишим О.С.га бераман» деди.

— Судда иш кўриляётганида барча саволларга «ха», «хўп» деб жавоб қайтаринг, қолган ишни ўзим ҳал қиламан, жаримани ҳам ўтиб кўнгирик қўймаман, — деб ишонтирди.

Унинг ваъдасига лаққа тушган А.Х. 1 млн. 200 минг сўм берди. Орадан бир неча кун ўтиб А.А. 6 млн. 500 минг сўмни тезроқ келтириб беринг дея шошилтириб, жами 8 млн. 500 минг сўм пулни қўлга киритди. Ушбу пулнинг 4 млн. 100 минг сўмини тўлаб бир ойлик муқобил ҳарбий хизматни ўтагани жуънади. Қолган пулни ҳам ўз эҳтиёжига сарфлади.

Маъмурий суд спиртли ичимлик ичиб автомобиль бошқарган А.Х.га 8 млн. 100 минг сўм жарима жазосини тайинлади. У суд қарорини олиб А.А.га учради. «Ҳолатбарор» аллақимга кўнгирик қилиб гап-лашди. «Жаримани йўқ қилиб бераман» деб кўнглини тўқ қилди. Шундан сўнг А.Х. унга бир неча марта кўнгирик қилиб топа-



олмагач, кидириб уйига борди. Отаси уни тинглаб, «муқобил ҳарбий хизматни ўтайти, қайтач ишингизни ҳал қилиб бераман» деди. Ниҳоят, алданганини билган А.Х. департаментнинг Марғилон шаҳар бўлимига мурожаат қилди.

«ДХХ ходимман» деб алдаб ишончга кирган фирибгар яна бир кишини чув туширмоқчи бўлди. Уяли телефонига кўнгирик қилган К.С.га «Ягона ҳисоб-китоб» давлат унитар филиалига ишга жойлаштириб қўйиши мумкинлигини айтди. Сўнг синфдоши Б.Н. билан ишга кирмоқчи бўлган йигитни «сувга олиб бориб сўғорма келишни» келишиб олди. Ёз куни Қирғули мавзесида кўришилди. Фуқаро К.С.ни корхонада ишлайдиган синфдоши Б.Н. билан таништирди. «2000 доллар берсангиз ишга киритиб қўямиз» деди. Эртаси куни Қирғули мавзесидаги мактабгача таълим муассасаси ёнида кўри-

шиб пулни олганида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўлга олинди. Фирибгар «бу пулни синфдошимга беришим керак эди» деди. У билан телефонда гаплашди. Тадбир давомида Қирғули мавзесидаги МФЙ олдида шериги Б.Н. фуқаро К.С.дан паспорти нусхасини олганида ушланди.

Судда синфдош фирибгарларнинг қилмиши қисман икромлиги, жабрланувчиларнинг кўрсатмалари, ҳужжатли далиллар билан исботини топди. Жабрланувчи А.Х.га етказилган 8 млн. 500 минг сўм зарар қолгангани (иккинчи холатдаги тадбирда қўлланган 2000 АҚШ долларига банкка қайтариб топирилган) инобатта олиниб, фирибгарларга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Мухсинжон ПАРПИЕВ,**  
Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodijon NAZAROV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85



www.huquq.uz



info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4125.  
22 000 nusxada bosiladi.  
Oqog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA  
Sahifalovchi: S.SABAJANOV

Gazeta haftanavay payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.  
Korxonani manzili: Toshkent shahar,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

## Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Андижон вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси **Ёқубжон ЖАЛОЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

2020 йил май ойи охирига қадар Тошкент шаҳри Бектемир туманида ИВЛ (ўпканинг сунъий вентиляцияси аппарати) қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

9-APREL 2020-Y.

HUQUQ № 14

(12.11)

11



## Ирландия бош вазири шифокорларга ёрдам бермоқчи

Ирландия бош вазири Лео Варадкар коронавирус пандемиясига қарши курашда Миллий санитар хизматига (HSE) ёрдам бериш учун ҳафтада бир марта шифокор бўлиб ишламоқчи. Бу ҳақда ўз манбаларига таяниб «The Irish Times» нашри хабар берди.

Таъкидланишича, Варадкар шифокорлар оиласида вояга етган. Унинг отаси терапевт, онаси ҳамшира, сингиллари ҳам тиббиёт соҳасида ишлайди. Унинг ўзи эса Дублиндаги Тринити коллежида таянч

тиббий маълумот олган. 2010 йилда унга умумий амалиёт шифокори, яъни терапевт дипломи тошпирилган. Бирок 2013 йилда Варадкар сиёсат билан шуғулланишни бошлагандан кейин шифокорлар реестридан чиқарилган.

Айни вақтда Ирландия бош вазири ўз илтимосига кўра яна рўйхатга киритилган. Варадкар ҳафтада бир марта шифокорлик қилмоқчи.

Вардказ аввалроқ мамлакат фуқароларини коронавирус тарқалишининг олдини олиш учун 12 апрелгача уйларида қолишга чакирган.

## Уйдан чиқиш учун SMS

5 апрелдан бошлаб Озарбайжонда коронавирус тарқалишига қарши кураш доирасида чегаралар ёпилиб, аҳолининг мамлакат ичида ҳаракатланиши чекланмоқда. ТАССнинг хабар беришича, 5 апрелдан 20 апрелга қадар Озарбайжон чегаралари ер ва ҳаво транспорти учун ёпилади. Фақат юк ташиш бундан мустасно.

Шунингдек, мамлакат ичида ҳам авиасакатновлар тўхтатилади. Кейинги икки ҳафтада фуқаролар фақат уч ҳолатда уйдан ташқарига чиқиши мумкин: тиббий ёрдам олиш; озиқ-овқат, дори-дармон харид қилиш ёки банк ва почтага бориш; яқин қариношининг дафн маросимида иштирок этиш.

Уйдан чиқишга рухсат олиш учун мамлакат аҳолиси махсус рақамга SMS хабар жўнатиши лозим. Шахсий транспортдан фойдаланилганда автомобиль номери ҳам кўрсатилади. Фуқаронинг сўровига бир соат ичида жавоб кайтарилади ва у дарҳол уйдан чиқиши мумкин. Дўкон, дорихона, банк ёки почтага бориш учун кунига бир марта икки соатга рухсат берилади. Шифокор кўригига бориш учун ҳам икки соат ажратилган.

Рухсатнома олиш учун юборилган сўров ҳақидаги маълумот электрон ҳукумат ва ҳукукни муҳофаза қилиш органларининг маълумотлар базасига



киритилади. Озарбайжон ҳукуматининг огоҳлантиришича, карантин қоидаларини бузганлар жавобгарликка, хусусан, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Озарбайжонда коронавирус сабаб 24 март куни карантин режими жорий этилган. 65 ёшдан ошган кексаларга уйдан чиқиш тақиқланган, дам олин масканлари, ресторани ва кафе-лар, озиқ-овқат дўконлари ва дорихоналардан бошқа барча савдо объектлари, барча турдаги таълим муассасалари ёпилган.

## ЖССТга қўшимча ҳамшира керак



Коронавирус пандемияси дунёда соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашга ўткир эҳтиёж борлигини кўрсатди. Жумладан, қўшимча 5,9 млн. ҳамшира талаб этилади. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Дунёда ҳамширалик ишининг ҳолати» маърузасида айтиб ўтилган.

«Дунёда ҳамширалик хизматининг 28 млн.га яқин ишчиси бор. 2013 йилдан 2016 йилгача уларнинг сони 4,7 млн. нафарга ошди. Бирок дунёда ҳамширалар тақчиллиги сақланиб қолмоқда, ҳозир 5,9 млн. ҳамшира етишмайди», дейилган маърузада.

Таъкидланишича, ҳамширалар Африка, Жануби-шарқий Осиё, Ўрта денгизнинг шарқи ва Лотин Америкасининг бир қатор давлатларида анча тақчил. Ҳамширалар тақчиллигининг 89 фоизи (5,3 млн) даромади ўртачадан паст давлатларга тўғри келади. Европада, Шимолий ва Жанубий Америка давлатларида ҳамшираларнинг ўртача ёши бошқа давлатлардаги тиббий ходимларикидан анча катта. Бу давлатларга ёш мутахассисларнинг кели-

шини таъминлаш ва ходимларни соҳада ушлаб қолиш бўйича чораларни кучайтириш тавсия қилинган. Мутахассислар, шунингдек, ушбу касбда фаолият юритаётганларнинг 90 фоизи аёллар эканини қайд қилинган. Бирок шунга қарамай, аёллар «соғлиқни сақлаш тизимида жуда кам ҳолатларда раҳбарлик лавозимларини эгаллайдилар».

Ушбу маъруза илк бор эълон қилинмоқда. Унинг чиқарилиши 7 апрелда нишонланувчи Жаҳон саломатлик кунига аталган. ЖССТ 2020 йилни Халқаро ҳамширалик ва акушерлик хизматлари ишчилари йили деб эълон қилди. Шу сабабли бу йил Саломатлик кунига «Ҳамширалар ва акушерларни қўллаб-қувватлаймиз» шиори танланган.

## Интерпол хакерлик ҳужумларидан огоҳлантирди

Хакерлар тиббий муассасаларга тобора кўпроқ ҳужум уюштириб, уларнинг компьютер тизимларини блоклаб, пул талаб қилмоқда. Бу ҳақда Интерпол баёнот берди.



«Коронавирус эпидемиясига қарши курашнинг олд қаторида бўлган ва шундоқ ҳам мислсиз хатарларга дуч келаятган шифохоналар ва бошқа тиббий муассасалар энди киберҳужумчилар таҳдидига учрамоқда. Интерполнинг кибертаҳдидларга жавоб берувчи жамоаси эпидемияга қарши курашга жалб қилинган муҳим ташкилотлар ва инфратузилмаларнинг компьютер тизимлари товламачи дастурлар билан зарарланиши анча кўпайганини таъкидламоқда», – дейилган баёнотда.

Интерпол мутахассисларининг таъкидлашича, хакерлар аксарият ҳолларда электрон почта орқали зарар етказилади. Жиноятчилар тиббий муассасаларга ҳукумат ёки соғлиқни сақлаш агентлигининг янги тавсияси қўрилишида мактуб жўнатмоқда. Бу хатлар вирусли сайтга ёки зарар келтирувчи файлларга ҳавоаларни ўзида сақлайди.

Шу сабабли Интерпол ташкилотга аъзо давлатлар полициясига ҳужумларни тергов қилишда ўз кўмагини таклиф қилди. Бундан ташқари, халқаро полиция ташкилоти муҳим тиббий инфратузилмалар хавфсизлигини яхшилаш бўйича техник кўмак ва маслаҳатлар беришга тайёрлигини билдирган.

## Банкнотлар дазмол ёрдамида зарарсизлантирилмоқда

Грузиянинг Поти шаҳридаги деҳқон бозорида барча харидорлар ёнларидаги нақд пулни дезинфекция учун махсус ходимга беришлари мажбурий қилиб қўйилди. Бу ҳақда Грузиянинг Биринчи канали хабар берди.

Махсус ходим банкнотлар устидан дазмол босади, тангаларга эса анти-септик билан ишлов беради. Коронавирус тарқалишининг олдини олиш учун шундай қилинмоқда. Бундан ташқари, келувчиларнинг харорати ўлчаниб, уларга қўлқоп берилмоқда. Бозор директори Ноад Корсантининг таъкидлашича, бозорда қайтим ҳам дезинфекция қилинган пулда кайтарилмоқда.

Айни вақтда Грузияда коронавирусга чалинганлар сони 170 нафар, ундан вафот этганлар сони 2 нафар.

## Токиода Олимпиада қишлоғидан шифохона сифатида фойдаланилиши мумкин

Спортчилар учун Токиода қурилаётган Олимпиада қишлоғи вақтинча коронавирусга чалинган беморларга шифохона тарзида берилиши мумкин. Бу ҳақда «Ассошиэйтед пресс» хабар берди.

24 та бинодан иборат қишлоқ 15400 спортчи ва бошқа ходимларга мўлжалланган. Олимпиада қишлоғи яқин 16 ой мобайнида бўш ётади. Негаки, олимпия ўйинлари коронавирус пандемияси туфайли 2021 йилга қолдирилди.

Токио губернатори Юрико Коикэ бу қишлоқ коронавирусга чалинган беморларни жойлаштириш мумкин бўлган вариантлардан бири эканини айтди. Шунингдек, ҳукумат шу мақсадда меҳмонхоналарни ҳам сотиб олиши мумкин.

Японияда ҳозиргача 3508 киши вирусни юктиргани аниқланган. Жумладан, 712 киши вирусни февраль ойида Япония соҳмиларида карантинда ушланган «Diamond Princess» саёҳат кемасида юктириб олган. 84 киши вафот этди, 72 нафари оғир ҳолатда, 1124 киши тузалиб, шифохонадан чиққан. Япония соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисоб-китобига кўра коронавирус инфекциясини жами 229,5 минг киши юктириб олиш эҳтимоли бор.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди